БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ
МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 91 (1869)
7
МАЙ
ЯКШАНБА
1961 ЙИЛ
БАҲОСИ
2 ТИЙИН



Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхози ишчи ва механизаторлари 3500 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир барча майдонларда ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаш кучайтириб юборилди. Суратда: совхознинг 5-бўлимида ғўза қатор ораларини иккинчи марта культивация қилинмоқда.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Арманистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига Арманистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига Арманистон ССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Президиуми ва СССР Министрлар Совети Арманистоннинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини шонли воқеа — Совет ҳокимияти ўрнатилганига ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топганига 40 йил тўлиши билан қизғин табриклайдилар ҳамда қутлайдилар.

Арманистоннинг Коммунистик партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар отрядларидан биридир. Мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан маҳкам бирликда, Коммунистик партия раҳбарлигида Арманистон меҳнаткашлари самодержавиега ва капитализмга қарши, миллатчи дашнакчилар шайкаларига қарши курашнинг катта ва шонли йўлини босиб ўтдилар. Совет ҳокимиятининг ғалабаси натижасида Арманистон меҳнаткашлари тарихда биринчи марта чинакам озодлик ва мустақилликка эга бўлдилар. Совет Арманистони асрий қолоқликка хотима бериб, социалистик қурилиш йилларида яшнаган ва юксак даражада ривожланган социалистик республикага айланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Арманистоннинг ишчилари, колхозчилари ва зиёлилари бутун совет халқи билан биргаликда Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини мардлик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, оташин совет ватанпарварлиги ва Коммунистик партияга, коммунизм ишига садоқатларини намойиш қилдилар.

Улуғ социалистик ўзгартишлар арман халқи олдида порлоқ истиқбол — коммунизмнинг кенг йўлини очиб берди.

КПСС XXI съезди мамлакатимиз олдида коммунизм қурилишини кенг авж олдиришнинг, ишлаб чиқарувчи кучларни зўр бериб юксалтиришнинг, совет кишилари моддий фаровонлигини ва маданий савиясини тобора оширишнинг улуғвор программасини илгари сурди. Арманистон меҳнаткашлари Закавказьедаги бошқа халқлар билан самимий дўст бўлиб, Совет Иттифоқидаги қардош халқларнинг ягона оиласида етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун фидокорона курашмоқдалар. Республика саноатини, шу жумладан, унинг станоксозлик, электротехника саноати, приборсозлик, кимё саноати, рангли металлургия соҳаси синчиги энг муҳим тармоқлари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Республика саноатининг ялпи маҳсулоти бу йил 1913 йилги даражадан қарийб 70 баравар ўзиб кетади. Яқинда ишга туширилган Қарадағ-Ереван газ қувури республика халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу газ қувурининг қурилиши СССР даги қардош халқлар дўстлиги ва ўзаро ёрдамининг ёрқин намунасидир.

Арманистон қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Ундаги қашшоқлик ва қолоқликлар абадий ўтмиш бўлиб қолди. Арманистон қишлоқ меҳнаткашлари колхоз тузумининг устунликларига таяниб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ўстириш учун кураш олиб бормоқдалар.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ўсиб бормоқда, уларнинг уй-жой-маиший шароити яхшиланмоқда. Арман халқининг социалистик маданияти гуллаб-яшнамоқда. Республиканинг умумий таълим мактабларида 1913 йилдагига нисбатан тўққиз баравар кўпроқ болалар ўқимоқда. Олий ва махсус ўрта мактабларда 33 минг студент ўқимоқда. Республикада илмий-тадқиқот муассасалари, кинотеатрлар, кутубхоналар, маданият саройлари, клублар, музейлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар боғчалари ва ясли ларининг кенг тармоқлари вужудга келтирилган. Адабиёт ва санъат муваффақиятли ривожланмоқда.

Совет Арманистони меҳнаткашлари ўзларининг шонли юбилейи — республиканинг 40 йиллигини бутун халқимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган бир вазиятда нишонламоқдалар.

Арманистон корхоналарида колхоз ва совхозларида съездолди мусобақаси кенг авж олди. Корхона ва қурилишларнинг коллективлари меҳнат унумдорлигини ошириш учун, планларни муддатидан илгари бажариш учун, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва сифатини ошириш учун курашмоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ишлаб чиққан программани амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қаттиқ ишонч билдирадиларки, Арманистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик қурилиш йўлидан янада жадал суръатлар билан олга бормоқ учун бутун кучларини сарф қиладилар ҳамда республика олдида турган катта ва масъулиятли вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Талантли арман халқига коммунизм қурилишида, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада тинмай оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин Арманистон Совет Социалистик Республикасининг 40 йиллиги!

Яшасин КПССнинг жанговар отряди — Арманистон Коммунистик партияси!

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

СССР халқларининг бузилмас қардошлик дўстлиги мустаҳкамлансин ва яшнасин!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шоншарафлар!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЧУЧҚАЧИЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Олтинчи майда Тошкентда чўчқачилик илғорларининг республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган эди. Чўчқабоқарлар, зоотехниклар, ветеринарлар, йирик колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, республика ташкилотларининг мутахассислари, олимлар, партия ва совет ходимлари гўшт етиштиришни, шу жумладан чўчқа гўшти етиштиришни кескин суратда кўпайтириш соҳасида КПСС Марказий Комитети январь Пленуми томонидан қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига қўйилган муҳим вазифаларни муҳокама қилмоқ учун тўпландилар.

Кенгашда 28 киши сўзга чиқди. Булар орасида Сталин районидаги Калинин номли колхознинг чўчқабоқари Н. Г. Бабич, «Бойсун» совхозининг чўчқабоқари К. Маматов, Охунбобоев районидаги Охунбобоев номли колхознинг чўчқабоқари Е. М. Яроцкая, Бируний номидаги совхознинг чўчқабоқари И. Йўлдошев, «Ударник» совхозининг чўчқабоқари Я. П. Кирилов, «Ҳазорбоғ» совхозининг чўчқабоқари Л. С. Мазуренко, Самарқандлаги 1-наслчилик совхозининг директори Б. Рашидов, Уйчи районидаги колхозларало чўчқа боқиш хўжалигининг раҳбари И. И. Шурок, Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтининг кичик илмий ходими А. Д. Недялков, 1-«Ғаллаорол» совхозининг директори М. Ф. Мамонтов ва бошқалар бор эдилар.

Нотиқлар ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар, чўчқа болаларини олиш ва уларни сақлаш қандай йўллар билан таъминланаётганлиги ҳақида сўзлаб бердилар, чўчқаларни боқиш вақтида қўлланилаётган янги илғор методларни, фермалардаги сермеҳнат талаб ишларни кенг механизациялаштириш планларини ўртоқлашдилар. КПССнинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақа қандай меҳнат зафарлари билан нишонланаётганлиги, олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Сўнгра яқдиллик билан республиканинг ҳамма чўчқабоқарларига мурожаат қабул қилинди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари Тошкент областидаги илғор хўжаликлардан бири — Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозга экскурсия қилиб бу ердаги чорвачилик фермасида ишларнинг қандай ташкил қилинганлиги билан батафсил танишдилар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА РАДИО КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

6 майда Тошкентда Навоий номли театрда меҳнаткашлар вакиллари, партия ва жамоат ташкилотлари вакилларининг традицион байрам — Радио кунига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланади.

Докладчи — Ўзбекистон ССР алоқа министри М. А. Шарков Ўзбекистон алоқа ходимлари Радио кунини улкан ишлар программасини бажариш билан кутиб олаётганликларини таъкидлаб, КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада олинган юксак мажбуриятларни амалга оширишда республика алоқа ходимлари олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтади.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома юбордилар. (ЎзТАГ).

Культивация сифатли ўтказилмоқда

«Пискент» совхозининг 1-бўлими ишчи ва механизаторлари 900 гектар майдонга экилган чигитни текис ундириб олдилар. Шу кеча-кундузда ғўзанинг биринчи парвариши қизитиб юборилди.

Совхознинг бу бўлимидаги 7-бригада ишчилари механизаторлар Қўчқор Раҳимов ва Йўлдош Абдуллаевларни ҳурмат қилишади. Азамат механизаторлар ҳозиргача 60 гектар ердаги ғўзани биринчи парваришдан чиқариб қўйдилар.

— Биз сон орқасидан қувмаймиз, — дейди Қўчқор Раҳимов, — культивацияни сифатли ўтказиб, ғўзаларнинг нормал ривожланиши учун курашамиз.

Шунингдек, коммунист ўртоқ Д. Гайдаров бошлиқ бригаданинг механизатори ўртоқ А. Ризмонов ҳам ўзи чигит экқан 85 гектар майдоннинг ғўзасини ўзи парвариш қилмоқда. У ҳозиргача 45 гектар ердаги ғўзани культивациядан чиқарди.

— Бу механизаторларнинг ҳар бири мавсумда 100 гектардан ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олганлар, — дейди бўлим агрономи ўртоқ Иброҳимов. — улар ўзаро мусобақалашиб ишлаб, кун сайин яхши натижаларга эришмоқдалар.

О. ЭШОНҚУЛОВ.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ҳамма совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Бирлашган Араб Республикасининг эрксевар халқларига ҳурмат-эҳтиром билан қарамоқдалар. Бу халқлар мустамлакачиларга қарши олиб борилган саботли курашда миллий мустақилликка эга бўлиб, бутун дунёда тинчлик учун кураш ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган БАР парламент делегациясининг Ўзбекистонда шод-хуррамлик билан кутиб олинганлиги дўстона Араб давлатига билдирилган яхши туйғуларнинг ифодаси бўлди.

6 май эрталаб БАР Миллат мажлисининг раиси Анвар Садат бошчилигидаги парламент делегациясининг аъзолари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов ҳузурида бўлдилар. Суҳбат вақтида О. А. Алимов меҳмонларни республиканинг хўжалик ҳамда маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари билан, етти йилликда республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш истиқболлари билан таништирди. Суҳбат вақтида совет пахтачилигини ўстириш, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етиштираётган мўл ҳосил ҳақида келтирилган маълумотлар делегация аъзоларида алоҳида қизиқиш туғдирди.

Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлисининг раиси Анвар Садат ҳамда парламент делегацияси аъзолари шарафига зиёфат берилди. Зиёфат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Зиёфатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов, СССР Олий Совети депутатлари К. А. Губин, З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сагдиев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Яқин Шарқ мамлакатлари бўлими мудирининг ўринбосари А. Д. Шчибирин, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати А. А. Ҳўжаев ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Ш. Р. Рашидов ва Анвар Садат нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун, бутун дунёда тинчлик бўлиши учун қадаҳ кўтардилар.

Шу куни меҳмонлар шаҳар бўйлаб сайр қилдилар. Улар тўқимачилик комбинатида анча вақт бўлиб, бу ердаги ишлаб чиқариш участкаларини ва маданий-маиший муассасаларини кўздан кечирдилар.

БАР парламент делегацияси тушдан кейин Янгийўл районидаги Ленин номли колхозга сафар қилди. (ЎзТАГ).

Москва матбуот ходимларининг йиғилиши

МОСКВА, 5 май. (ТАСС). Москва жамоатчилиги Матбуот кунини тантанали нишонлади.

Бугун Союзлар уйининг Колонна залида пойтахтдаги газета-журнал редакциялари, нашриётлар, полиграфия корхоналарининг ходимлари ҳамда ишчи мухбирлар активи йиғилди. Чет эл меҳмонлари ҳозир бўлдилар. Матбуот кунига бағишланган йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари П. Н. Демичев очди. Гулдурос қарсаклар билан ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиуми фахрий президиумга сайланди.

КПСС Марказий Комитетининг иттифоқчи республикалар бўйича пропаганда ва агитация бўлими мудири Л. Ф. Ильичев доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар. Совет журналистлари, дейилади табрикномада, бутун халқ билан бир сафда туриб, партия томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун курашаётганликлари билан фахрланадилар.

* * *

Матбуот куни бутун Совет мамлакатида кенг нишонланди. Журналистлар ва ишчи мухбирлар активининг йиғилишлари Ленинградда, Киевда, Олмаотада, Бокуда, Тошкентда, Фрунзеда, Ригада, Сталинободда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Арманистонда бўлиши

ЕРЕВАН, 5 май. (ТАСС). Ўртоқ Н. С. Хрушчев кунининг иккинчи ярмида Арманистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари выставкасини бориб кўрди. Выставкани тамоша қилиш вақтида Арманистон Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари унга ҳамроҳ бўлдилар. Выставка директори М. Амиев, саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассислари кўпроқ қизиқтирадиган экспонатлар тўғрисида изоҳ бериб турдилар.

Н. С. Хрушчев Арманистоннинг тарихий ўтмишини, ишчи ва деҳқонларнинг революцион курашини, арман халқи фарзандларининг Улуғ Ватан урушидаги иштирокини тасвирлаган экспозиция билан танишди.

Никита Сергеевич қишлоқ хўжалиги павильонида анча вақт тўхтаб ўтди. У республикада узумчилик, боғдорчилик, чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари билан, маккажўхори етиштириш истиқболлари билан қизиқди. Баъзи экинлардан икки марта ҳосил олиш тажрибаси тўғрисида Никита Сергеевичга сўзлаб бердилар. Никита Сергеевич озуқа ўрнида ишлатиладиган дуккакли экинлардан йилига икки марта ҳосил етиштиришни тажриба қилиб кўриш тўғрисида маслаҳат берди.

Н. С. Хрушчев илғор хўжаликларнинг, энг яхши соҳибкорларнинг тажрибасини, олимларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида эришган муваффақиятларини эътибор билан кўздан кечирди.

Н. С. Хрушчев саноат тармоқларида энергетика, рангли металлургия, станоксозлик, электромашинасозлик, кимё саноати бинокорлик материаллари саноатининг ривожланишини характерловчи экспонатлар билан танишди. У, бинокорларнинг иш методлари билан, биноларнинг қурилишида арман туфидан қандай фойдаланилаётганлиги билан йиқса қизиқди. Никита Сергеевич индустриал методларни дадил қўлланишни, жумладан йиғма темир-бетондан кенгроқ фойдаланиш, қурилишнинг сифатига кўпроқ эътибор бериш, унинг қимматини пасайтириш ҳақида маслаҳат берди.

Н. С. Хрушчев енгил саноат бўлимини кўздан кечирганида халқ учун пишиқ ва нафис буюмлар тайёрлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш керак эканлигини айтди.

Никита Сергеевич, тайёр кийим-лар витринаси ёнида тўхталиб, енгил саноат корхоналари ва халқ хўжалиги кенгаши раҳбарларининг эътиборини болалар учун тайёрланган кийим-кечакнинг сифати паст эканлигига жалб этди. Шу билан бирга, у, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг яхши тайёрланган айрим нусхалари борлигини қайд қилди.

Тантаналарда қатнашиш учун қардош республикалардан келган делегациялар ва жуда кўп меҳмонлар ҳам выставкани тамоша қилдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев Арманистон Коммунистик партияси ва ҳукумати раҳбарлари билан биргаликда А. Тигранянниг «Давидбек» спектаклини тамоша қилди. Бу спектакль А. Спендиаров номли опера ва балет академик театрида саҳнага қўйилган.

Ереванда тантанали мажлис

ЕРЕВАН, 6 май. (ТАСС). Бугун маҳаллий вақт билан соат 10 да А. Спендиаров номидаги опера ва балет академик театрида Арманистон ССР Олий Совети ва Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг Арманистонда совет ҳокимияти ўрнатилган ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топган кунининг 40 йиллигига бағишланган тантанали юбилейи мажлиси очилди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С Хрушчев, Арманистон Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари, тантаналарда қатнашиш учун қардош республикалардан келган делегацияларнинг бошлиқлари ва аъзолари, республикадаги донгдор кишилар президиумга чиққанларида мажлис аҳли уларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я Н. Заробян «Арманистон ССР ва Арманистон Коммунистик партиясининг 40 йиллиги» тўғрисида доклад қилди.

Арманистон КП Марказий Комитети секретари Я. Н. Заробяннинг докладидан кейин мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Никита Сергеевич Хрушчев минбарга чиққанида залдагилар уни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг топшириғига мувофиқ, республиканинг ҳамма меҳнаткашларини Совет ҳокимияти ўрнатилган ва Арманистон Компартияси ташкил топган кунининг 40 йиллиги билан самимий табриклади ҳамда уларга коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг фахрий академиги профессор В. И. Эдельштейнга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини бериш тўғрисида

Туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан ҳамда сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришдаги ва қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги катта хизматларини назарга олиб В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг фахрий академиги профессор Виталий Иванович Эдельштейнга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Ўрок ва болға»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1961 йил, 5 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Жуда хавфли жиноятлар билан курашни кучайтириш тўғрисида

Жуда хавфли жиноятлар билан курашни кучайтириш мақсадида СССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

1. Давлат ёки жамоат мол-мулкини жуда кўп миқдорда ўғирланлик учун, қалбаки пуллар ва қимматли қоғозларни ўтказиш мақсадида ясашни ёки уларни ўтказишни касб қилиб олганлик учун, шунингдек жуда хавфли рецидивистларга нисбатан ва оғир жиноятлари учун ҳукм қилинганлари ҳолда, қамоқ жойларида тузалиш йўлига ўтган маҳбусларни террор қилувчи ёки маъмуриятга ҳужум қилувчи, ёхуд шу мақсадда жиноий гуруҳларни ташкил этувчи, ёки шундай гуруҳларда актив қатнашувчи шахсларга нисбатан ўлим жазоси — отиш қўлланилишига йўл қўйилади.

Жиноят килганига қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, ва жиноят қилиш вақтида, ёки ҳукм чиқарилиш пайтида ҳомиладор бўлган хотинларга ўлим жазоси қўлланилиши мумкин эмас».

2. Давлатга қарши жиноят килганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 24-моддаси қуйидагича мазмунда иккинчи қисм билан тўлатилсин:

«касб тариқасида қилинган ҳудди шундай ҳаракатлар учун — мол-мулки мусодара қилингани ҳолда ўн йилдан тортиб ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки мол-мулкдара мусодара қилингани ҳолда, ўлим жазоси билан жазоланадилар».

3. Жуда хавфли рецидивистлар, шунингдек оғир жиноятлари учун ҳукм қилинганлари ҳолда, қамоқ жойларида тузалиш йўлига ўтган маҳбусларни террор қилувчи ёки маъмуриятга ҳужум қилувчи, шунингдек ана шу мақсадда жиноий гуруҳларни ташкил этувчи, ёки бундай гуруҳларда актив қатнашувчи шахслар, —

саккиз йилдан тортиб ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки ўлим жазоси билан жазоланадилар.

4. СССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикалар Жиноят қонунлари асосларининг 44-моддасига ўзгартиш киритилсин ва бу модданинг тўртинчи қисми қуйидагича таҳрир этилсин:

«Муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ва жазо муддатининг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

1) жуда хавфли рецидивистларга нисбатан;

2) муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилинган, ёки ўталмаган жазо қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар башарти жазонинг ўталмаган қисми тугагунча яна қасддан жиноят қилсалар ва бунинг учун озодликдан маҳрум этилган бўлсалар ана шу шахсларга нисбатан;

3) давлатга қарши жуда хавфли жиноятлар учун, бандитизм, қалбаки пуллар ёки қимматли қоғозларни ясаш ва уларни ўтказиш учун, валюта операцияларни тўғрисидаги қоидаларни бузиш, давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда ўғирлаш айбини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан ўлдириш, оғир оқибатлар келтирадиган даражада зўрлаш, ёки балоғатга етмаганларни зўрлаш, талончилик қилиш, айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан».

5. СССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикалар Жиноят қонунлари асосларининг 24-моддасига мувофиқ белгилаб қўйилсинки, давлатга қарши жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 1—10, 14, 15, 23—25 ва 27-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар учун суд ҳукми билан айбдорга икки йилдан тортиб беш йилгача бадарға қилиш жазоси қўшимча чора сифатида белгиланиши мумкин.

6. Иттифоқчи республикалар Олий Советлари Президиумларига шу Фармонга мувофиқ иттифоқчи республикаларнинг жиноят кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1961 йил, 5 май.

БУГУН БУЮК ҲИНД ЁЗУВЧИСИ РАБИНДРАНАТ ТАГОР ТУҒИЛГАН КУНГА 100 ЙИЛ ТЎЛАДИ

РАБИНДРАНАТ ТАГОР

Атоқли ҳинд адиби

БОРДИ-Ю гап Рабиндранат Тагор ҳақида борадиган бўлса, гап Осиё халқлари, хусусан Ҳиндистон халқлари ҳаёти ва кураши, миллий уйғониши тўғрисида боряпти, деб тушунамиз. Чунки, Тагор ҳақида сўзлаш Ҳиндистон халқларининг мустамлакачиликка қарши бош кўтариши, миллий онгининг уйғониши, қисқаси, улуғ ҳинд халқининг салкам бир асрлик тарихи ҳақида сўз юритиш демакдир.

Гарчи, Тагор бадавлат помешчик фарзанди бўлсада, ундаги буюк истеъдод ўз ватанига бўлган чексиз муҳаббат ва юксак инсонпарварлик кейинчалик уни «Ҳиндистоннинг виждони» деб аташ учун ҳақли равишда асос бўлди.

Тагор ўз замондошларининг асарларини ғоят зўр қизиқиш ва муҳаббат билан ўқиди. У мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ Шекспирнинг «Макбет» трагедиясини бенгал тилига таржима қилди, 16 ёшида Европа, жумладан Италия адабиёти ҳақида мақолалар ёзиб, «Бхароти» журналида бостириб чиқарди.

1878 йилда Тагор Англияга ўқишга боради, у ерда бир ярим йил туриб, Ғарбий Европа адабиёти, маданияти ва музикаси билан яқиндан танишди, ҳинд классик музикаси ва Европа музикасидан ижодий фойдаланиш натижасида Тагор «Валмикининг даҳоси» деган кичик музикали драма яратди.

1883 йилда Тагорнинг ўрта аср ҳинд ҳаётидан олиб ёзилган «Ботутхакуранир Хат» номли романи ва машҳур «Дарвеш» пьесаси босилиб чиқди. Ёзувчи бу асарларида умидсизлик, хаёлпарастлик, таркидунёчиликни, мавжуд фалсафий фикрлар юритишни танқид қилди. Ёзувчининг кейинчалик ёзган бир қанча асарлари ҳам ана шу мавзуда ёзилган.

Тагор 80—90 йилларда бадиий асарлар билан бир қаторда Ҳиндистонда юз берган муҳим сиёсий ва ижтимоий воқеаларни акс эттирувчи кўплаб публицистик мақолалар ҳам ёзди.

90-йилларга келиб Рабиндранат Тагор етук ёзувчи ва йирик жамоат арбоби бўлиб танилди. Бу даврда у кўпроқ ҳозиржавоб ва жанговар жанр ҳисобланган ҳикоя жанрида ижод қилди. Тагорнинг уч томлик ҳикоялар тўпламининг икки томи худди шу даврда юзага келган.

Тагор ўзининг кичик ҳажмли асарларида ўша даврда ҳинд жамоатчилигини қизиқтирган энг муҳим, ҳаётий масалаларни ладиллик билан кўтариб чиқди. Тагор ҳикояларининг тематикаси бой ва рангба-ранг. Ёзувчи «Нур ва соялар», «Ижро этилган ҳукм» каби ҳикояларида инглиз мустамлакачиларининг ҳинд халқига ўтказган чексиз жабр-зулмларини фош қилиб, бу орқали англиялик чақирилмаган меҳмонларга қарши норозилик билдирса «Профессор», «Таҳқирланиш» каби ҳикояларида эса баъзи бир маҳаллий зиёлиларнинг инглизлар таъсирига берилиб ҳинд маданиятини менсимаганликларини қаттиқ танқид қилди.

Тагор ҳикояларида хотин-қизлар масаласи алоҳида ўринни эгаллайди, чунки ҳаётнинг шафқатсиз қонунлари хотин-қизлар тақдирини оғир аҳволга келтириб қўйган эди. Унинг «Қасослар», «Иложи йўқ бахтсизлик», «Судья», «Гуноҳни ювиш», «Мохамайя», «Танеш» каби ўнлаб ҳикояларида Ҳиндистонда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши ва буржуа ахлоқининг разиллиги туфайли аёлларнинг аҳволи яна ҳам оғирлашиб қолгани тасвирланади.

Тагорнинг ҳикоялари содда ва ихчамлиги, темасининг актуаллиги, ғоясининг аниқлиги, воқеаларнинг ҳаққонийлиги, сюжетининг қизиқарлилиги, характерларнинг ёркинлиги, композициясининг пухталиги, бадиий тасвирий воситаларга бойлиги, тилининг равонлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Рабиндранат Тагор ўзининг кўпгина асарлари билан ҳинд адабиётида танқидий реализмга асос солди.

Тагор реализми унинг пьесаларида айниқса яққол кўзга ташланади. Реалист ёзувчи «Хато энг аввалдан», «Бўйдоқлар клуби», «Байкунгавинг васияти» каби комедияларида ўткир юмор, аччиқ кинояlар билан ўша давр ижтимоий ҳаётидаги айрим иллатларни қоралайди.

Рабиндранат Тагор поэзия жанрида ҳам самарали ижод қилди. Шоирнинг «Маношн» (1890), «Олтин қайин» (1892), «Читрангада» (1893), «Кхоника» (1899) каби шеърий тўпламлари ҳинд поэзиясининг ажойиб дурдоналаридир. Тагорнинг поэтик асарлари ҳаётий ва жозибадорлиги, халқчил ва соддалиги, нафис ва лириклиги билан меҳнаткаш халқ қалбидан мустаҳкам ўрин олди.

Тагор Ҳиндистондаги миллий озодлик кураши ва ҳинд халқининг онгида юз берган муҳим ўзгаришларни фақаттина шеър ва ҳикояларида, пьеса ва публицистик асарларидагина эмас, балки «Ҳалокат» (1902), «Гора» («Гоурамаҳон») (1910), «Уй ва тинчлик» (1914) каби йирик романларида ҳам чуқур ифода этди.

Ёзувчи баъзан ўз орзу-умидларини ҳаётда рўёбга чиқара олмаган кучларни кўра олмай, умидсизлик кайфиятларига ҳам берилди. Лекин тарихий тараққиёт, ҳаёт ичига чуқур кириб бориш, меҳнаткаш халққа хизмат қилиш бурчи Тагорни кўп ўтмай бу пессимизмдан ўлдан чиқариб олди. Ёзувчи 1909—1913 йиллар орасида энг яхши, етук асарлар яратди. Бу асарларда ислоҳотчи, утопик файласуф Тагор билан реалистик санъаткор Тагорнинг қарашларидаги зиддият яққол акс этган. Худди шу даврда яратилган «Гора» романи ҳинд адабиётида танқидий реализмнинг биринчи йирик намунаси ҳисобланади. Тагор ўзининг «Ҳалокат» романида икки ёшнинг машаққатли севгиси ва Ҳиндистонда миллий онгнинг уйғонишини тасвирлаган бўлса, «Гора» романини эса янада муҳимроқ темага — Ҳиндистонда сиёсий уйғониш темасига бағишлади.

«Уй ва тинчлик» романида Тагор ҳинд зиёлилари ўртасидаги идеологик курашни кўрсатиш орқали меҳнаткаш халқни алдашга, уни миллий озодлик курашидан четлатишга ҳаракат қилган буржуазия синфи вакилларини ўткир сатира ўти остига олади.

Тагор 1912 йилда Европа ва Америкада бўлиб, қадимий ҳинд маданияти ҳақида лекциялар ўқиди. Бу лекциялар аввал «Шодхона» журналида нашр этилади, сўнгроқ тўплам ҳолига келтирилади. Тагорнинг «Гитанжали» асари рус тилида биргина 1914 йилнинг ўзидаёқ 4 марта босилиб чиқди.

1913 йилда Калькутта университети Тагорга адабиёт фани доктори унвонини берди. Шу йили у адабиёт соҳасида жаҳон миқёсидаги Нобель мукофотини олишга сазовор бўлди. Бу фактларнинг ҳаммаси Тагорнинг жаҳон миқёсида нақадар шуҳрат қозонганини кўрсатиб турибди.

Тагор Европа ва Осиёнинг жуда кўп мамлакатларига саёҳат қилади,улуғ француз ёзувчиси Ромен Роллан ҳамда Германиянинг машҳур физик олими Эйнштейнлар билан учрашади. Бу саёҳат ҳамда учрашувлар Тагорнинг дунёқарашида, ижтимоий-адабий фаолиятида зўр бурилиш ясайди.

Тагор 1930 йилнинг сентябрида СССРга меҳмон бўлиб келди. У СССР халқининг истиқболи порлоқ йўлдан — социализм йўлидан бораётганини ўз кўзи билан кўрди. Кекса ёзувчи қалбида мамлакатимизга ва халқимизга бўлган хайрихоҳлик ва муҳаббат туйғулари янада ошди. Унинг СССРга қилган сафаридан олган таассуротлари 1931 йилда «Россия ҳақида мактублар» номи билан бенгал тилида нашр этилди.

Тагор ўзининг бу китобида совет воқелигини асосан тўғри кўрсатади ва айни вақтда инглиз-америка империализмини кескин қоралайди. уларнинг Шарқда юргизаётган мустамлакачилик сиёсатига нафратлар ўқийди, ҳинд халқининг аҳволини яхшилаш, мамлакатда ер ислоҳоти ўтказиш масаласини кўтариб чиқади. Шу туфайли асарни бошқа тилларда нашр этиш манъ этилди, уни инглиз тилида нашр этабошлаган ҳинд журналига эса катта штраф солинди. «Россия ҳақида мактублар» Ҳиндистонда 1945 йилдагина тўла нашр этилди.

Тагорда Совет Иттифоқига нисбатан дўстона ҳис-туйғулар Улуғ Ватан уруши бошланган йиллари янада кучайди. Кексайиб, дармонсизланиб қолган ёзувчи бу даврда Совет Армияси вақтинча чекинаётган бўлса ҳам, «барибир руслар ғалаба қилади!» деб қатъий ишонч билдирди. Тарих Тагорнинг ҳақлилигини кўрсатди.

Ҳинд халқининг машҳур санъаткори Рабиндранат Тагорнинг фаолияти ғоят бой ва ранг-баранг-дир, унинг ижодий меросини бутун бир деңгиз деса бўлади. Тагор турли-туман жанрларда ҳаммаси бўлиб 2400 га яқин асар яратди. Унинг 50 дан ортиқ шеърий тўпламлари, 100 дан ортиқ ҳикоялари, 30 дан ошиқ пьесалари, 200 га яқин публицистик асарлари, 2000 дан ортиқ ашулалари, 12 романи ва илм-фаннинг турли соҳаларига оид бир қанча ўқув қўлланмалари бор.

Рабиндранат Тагор асарлари ер юзидаги кўп мамлакатларда катта қизиқиш билан севилиб ўқилмоқда. Унинг номи СССРда айниқса машҳурдир. Бизнинг мамлакатимизда Тагор асарлари 18 тилда 180 марта 3 миллион нусхада нашр этилди.

Тагорнинг ҳикоялари ўзбек тилида биринчи марта 1920—1930 йилларда «Ер юзи», «Билим ўчоғи» ва бошқа журналларда босилган эди. Ўзбек китобхонлари энди Тагорнинг «Нур ва соялар» номли ҳикоялар тўпламини ҳамда саккиз томлик асарларининг икки томини («Ҳалокат» ва «Гора» романларини) ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар.

Ҳамза номидаги Лекин орденли ўзбек давлат академик драма театри эса «Ҳалокат» романи асосида «Ганг дарёсининг қизи» номли пьесани саҳналаштириб, ўзбек тамошабинларини буюк ёзувчи ижоди билан яқиндан таништирди.

Ҳиндистон халқи билан қадимдан давом этиб келаётган дўстлигимиз ҳозирги вақтда кундан-кунга мустаҳкамланиб ва илдиз отиб бормоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси кунларида Рабиндранат Тагор ижодига бағишлаб ўтказилган адабий кечада бенгал шоири Тарашанкар Банержи бундай деган эди: «Подшолар ўлиб кетади, шоирлар эса ўлмайдилар. Улар халқ ёдида ҳамма вақт сақланганликлари учун ҳам ўлмайдилар. Мен худди сизнинг Толстойингиз Ҳиндистонда ўлмай яшаб юргани сингари, Тагорнинг ҳам бу ерда тирик эканлигини билдим. Ҳақиқий дўстлик худди шу йўл билан юзага келади. Сизлар бизнинг Тагоримизни севасизлар, биз эса сизнинг Толстой, Горькийларингизни севамиз. Бизнинг Тагоримиз сизники, сизнинг Толстойингиз эса бизники...». Ҳа, Тагор чиндан ҳам бизники—халқники!

С. МИРВАЛИЕВ.

«Мен бу мамлакатга ўрганиш учун келганман. Сизлардан ўрганишни, маданият масалаларини қандай ҳал этганликларингизни билишни истайман. Сизлар биринчи бўлиб, халқнинг маърифатли бўлиши учун мактаблар, театрлар ва музейлар эшигини кенг очиб қўйдингиз... Сизларнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларингиз ҳам худди мана шунда».

(ТАГОР, «Россия ҳақида мактублар»дан).

ЮБИЛЕЙ КУНЛАРИДА

УЛУҒ ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагор жаҳон классик адабиётида салмоқли ўрин эгаллаган буюк қалам соҳибларидан биридир. У ижодий фаолияти давомида бир неча йирик асарлар яратди. Эндиликда буюк адибнинг бу асарлари барча халқлар қатори ўзбек халқининг ҳам севимли асарлари бўлиб қолди.

Ёзувчи Р. Тагор юбилейи байрам қилинаётган шу кунларда пойтахтимиз кутубхоналарида, илмий муассасалари ва олий ўқув юртларида қалам соҳиби ҳаёти ва ижодига бағишланиб кечалар ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Алишер Навоий номли давлат халқ кутубхонасида ёзувчининг ҳаёти ва ижодига бағишланган катта виставка ташкил этилди. Виставка экспозициясида намойиш қилинаёган экспонатлар ёзувчининг Совет Иттифоқида рус ва бошқа тилларда нашр этилган йирик прозаик асарлари, ҳикоялари ва пьесаларидан иборатдир.

Классик ёзувчининг ижодий мероси ҳақида таниқли адабиётшунос олимлар томонидан ёзилган монографиялар ҳам ана шу виставкада марказий ўрин эгаллаган. Шунингдек, бу ерда унинг ҳаётига оид фотосуратлар ҳам намойиш қилинган.

Ўзбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти Тагорнинг 8 томлик асарини тайёрлаяпти. Шулардан дастлабки икки томи китобхонларга тақдим этилди.

«Ўзбекфильм» киностудияси ижодий коллективи «Ганг дарёсининг қизи» спектаклини фильм-спектакль қилиб суратга олмоқда. Ҳамза номли театр эса ёзувчининг «Почта» пьесасини яқин кунлар ичида тамошабинларга кўрсатади.

Ёзувчи ҳаётига бағишланган адабий конференция Тошкент Давлат университети шарқ факультетида ҳам ўтказилади. Конференцияда Тагорнинг бой ижодий мероси ҳақида илмий докладлар тингланади.

А. ПЎЛАТОВ.

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАГОР АСАРЛАРИНИНГ НАШР ЭТИЛИШИ

Рабиндранат Тагор адабий жанрларнинг турли формаларида ҳаммаси бўлиб 2400 га яқин асар, 2000 га яқин расм яратган гениал санъаткордир. Тагор асарларининг кўпчилиги дунёдаги бир қанча тилларда, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда 18 тилда 180 мартага яқин, ҳаммаси бўлиб 3 миллион нусхада нашр этилган.

Мамлакатимизда ёзувчи асарларини нашр этиш биринчи марта 1913 йилда бошланди. 1914—1915 йиллар ўртасида авторнинг қатор шеърлари, ҳикоялари ҳамда икки марта танланган асарлари босиб чиқарилди.

Тагор асарларини таржима қилиш ва нашр этиш ишлари, айниқса, Октябрь революциясидан кейинги йилларда авж олди. Сўнгги йилларда эса унинг саккиз томлик танланган асарлари таржима қилиниб, кўп тилларда босилиб чиқди.

Ўзбек тилида Тагор асарлари ва у ҳақдаги айрим мақолалар 20-30-йиллардаёқ юзага кела бошлаган. «Маориф ва ўқитувчи» журналида 1926 йилда «Тагор ва Тагоршунослик», «Ер юзи» журналида 1928 йилда «Тагор ва Ғарб маданияти» деган мақолалар эълон қилинди. Бу йилларда ана шу журналлардан унинг кўпгина ҳикоялари ҳам жой олди. Ўзбек китобхонлари ҳозирги вақтда Тагорнинг «Нур ва соялар» номли ҳикоялар тўпламини ҳамда саккиз томлик асарларининг икки томини («Ҳалокат», «Гора» романларини) ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар.

Ҳамза номидаги Лекин орденли ўзбек давлат академик драма театри эса «Ҳалокат» романи асосида «Ганг дарёсининг қизи» номли пьесани саҳналаштириб, ўзбек тамошабинларини буюк ёзувчи ижоди билан яқиндан таништирди.

Ҳиндистон халқи билан қадимдан давом этиб келаётган дўстлигимиз ҳозирги вақтда кундан-кунга мустаҳкамланиб ва илдиз отиб бормоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси кунларида Рабиндранат Тагор ижодига бағишлаб ўтказилган адабий кечада бенгал шоири Тарашанкар Банержи бундай деган эди: «Подшолар ўлиб кетади, шоирлар эса ўлмайдилар. Улар халқ ёдида ҳамма вақт сақланганликлари учун ҳам ўлмайдилар. Мен худди сизнинг Толстойингиз Ҳиндистонда ўлмай яшаб юргани сингари, Тагорнинг ҳам бу ерда тирик эканлигини билдим. Ҳақиқий дўстлик худди шу йўл билан юзага келади. Сизлар бизнинг Тагоримизни севасизлар, биз эса сизнинг Толстой, Горькийларингизни севамиз. Бизнинг Тагоримиз сизники, сизнинг Толстойингиз эса бизники...». Ҳа, Тагор чиндан ҳам бизники—халқники!

С. МИРВАЛИЕВ.

Дўстлигимиз рамзи

БУГУН ҳинд элининг буюк ёзувчиси Рабиндранат Тагор туғилган кунининг 100 йиллиги бутун прогрессив инсоният томонидан нишонланмоқда. Тагор ўз шеърлари, ҳикоялари, ўлмас романлари ва жозибали куйлари билан инсониятнинг маданий хазинасига улкан ҳисса қўшган кимсадир. У фақат Ҳиндистон республикасининигина эмас, балки бутун Шарқнинг жамики халқларнинг севимли ёзувчисидир.

Тагор дўстлик ва қардошлик куйчиси ҳамдир. У коммунизм қураётган совет кишиларининг энг яқин дўсти эди. Иттифоқимизга сафар қилиб, бизда яратилаётган мўъжизаларни кўриб чексиз қувонди, кишиларимизга янги-янги муваффақиятлар тилади.

Рабиндранат Тагорнинг асарлари Совет Иттифоқида кўплаб нашр этилмоқда. Жумладан, ўзбек китобхонлари ҳам буюк адибнинг талайгина шеърларини, ҳикоя ва романларини ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар. Совет ва ҳинд халқлари ўртасида асрлар мобайнида давом этиб келаётган дўстлик янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Бизнинг театримиз коллективи ҳам ўзбек тамошабинларини ҳинд халқининг ўтмиши билан яқинроқ таништириш мақсадида Тагорнинг «Ҳалокат» романи асосида ишланган «Ганг дарёсининг қизи» пьесасини саҳнага қўйди.

Спектаклдаги асосий образлардан бири — Нолинакха Чатапатхаянинг образини яратиш менга топширилган эди. Бу ғоят масъулиятли роль эди. Чунки Нолинакха образи орқали Тагор ўз элининг эски урф-одатларига қарши ўт очади, озодликка эришиш йўлларини ахтаради. Нолинакха образи илғор тушунчали, жамиятнинг иллатларига тоқат қила олмайдиган, ғоят маданиятли кимса образидир. Менинг назаримда Нолинакха Тагорнинг прототипидир. Шунинг учун ҳам саҳнада бу образни яратиш катта масъулиятни талаб этар эди.


Мен Тагорнинг рус ва ўзбек тилларида нашр этилган асарларини қайта-қайта ўқидим, унинг асосий ғоясини, илғор идеяларини тушуниб олишга ҳаракат қилдим.

«Ганг дарёсининг қизи» спектаклини тамошабинлар зўр қувонч билан қарши олдилар. 1957 йили Москвага гастролга борган вақтимизда спектакль бу ерда ҳам катта муваффақият қозонди. Уни кўрган рус ва ҳинд тамошабинлари артистларимизнинг юксак маҳоратига таҳсин ўқидилар.

Бу ўринда мен яна бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. 1957 йили мен бир группа совет санъаткорлари билан Бутунҳиндистон халқ театрлари бирлашмаси VIII конференция-фестивалига меҳмон бўлиб борганимда Тагорнинг уй-музейида бўлдим. Уй-музейда Нолинакха ролини ижро этиб турган пайтимда олинган фотосуратни кўрдим. Бу мени ғоят қувонтирди. Қувончимнинг боиси ўз суратимни кўрганимда эмас. Йўқ, мен совет-ҳинд дўстлигига ҳиндистонлик дўстларимиз ҳам катта аҳамият бераётганликлари учун қувондим. Ҳа, шундай. Бизнинг дўстлигимиз ўзаро дўстликдир. Мен ана шу дўстликнинг янада ривожланишига Нолинакха ролини ижро этиш билан озгина бўлса ҳам ҳисса қўшганим учун фахрланаман.

Биз Тагор асарлари ва унинг илғор фикрлари билан тамошабинларни таништиришни янада давом эттирамиз. Шу кеча-кундузда коллективимиз улкан ёзувчининг «Почта» номли пьесасини саҳналаштирмоқда. Биз бу билан қаноатланиб қолмай, Тагорнинг янги-янги асарларини тамошабинларга тақдим этиб, совет ва ҳинд халқлари ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстликка ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Олим ХЎЖАЕВ,
СССР халқ артисти.



Суратда: «Ганг дарёсининг қизи» спектаклидан бир кўриниш. А. Абалян фотоси.

Мақсуд ШАЙХЗОДА

БИР УМРЛИК МЕҲР БИЛАН...

Тагорга муҳаббатимнинг тарихи менинг умрим ёшига тенг келади десам салгина муболиға қилган бўламан. Чунки, мен жуда кичик ёшлигимда, оиламиз доирасида катта китобхонларнинг Тагор ҳикояларини ва шеърларини ўқиганликларини улуғ завқ ва қандайдир бир сиҳрли ҳурмат билан тинглар эдим. Айтиш мумкинки, Рабиндранат Тагорнинг исми менинг онгимга илк эртаклардек ширин, биринчи қўшиқлардек жозибали бир омил бўлиб сингиб кетган.

Кейинча мен, Боку билим юртида ўқиб юрган чоқларимда Тагорнинг асарларини бевосита мутоала қила бошладим. Хаёлимнинг кўзи олдида муаззам бир диёр, паҳлавонқомад бир халқ, яхши, тўғри, тинч ва меҳрибон инсонларнинг тақдири жонлана бошлади. Мен Тагорга шу қадар берилиб кетдимки, ҳатто 15—16 ёшларимда унинг насрий шеърларидан бир қанчасини таржима қилиб ҳам қўйдим.

Ўша вақтдан бери Ҳиндистонни кўриш, Тагорнинг яшаган шаҳри тупроғига қадам қўйиш мен учун иҳтиросли бир орзу бўлиб қолган эди. Шу йилнинг март ойида мен, бир гуруҳ ўртоқлар билан дўст Ҳиндистон мамлакатида бўлиб, у ернинг кўп жойларини кезиб тамоша қилдим, шу жумладан улуғ адиб Рабиндранат Тагорнинг ватани Калькутта шаҳрида бўлдим. Ҳиндистонда юрилган биринчи кунлардаёқ, мен яққол таассурот остида «Намастэ, Ҳиндистон» сарлавҳали шеърни ёзган эдимки, бу шеърни муҳтарам газетхонларимизга тақдим этаман). («Намастэ» ҳиндча «салом» демакдир).

НАМАСТЭ, ҲИНДИСТОН!

Намастэ, Намастэ, муаззам диёр.
Шаънингга яраша латофатинг бор,
Эркин деб кўп дардга сен бўлдинг дучор,
Сенга мен меҳримни қилай деб изҳор —
Хат-патга овора бўлмайин зинҳор
Шахсан қалбим олиб ерингга келдим.

Бегона эмасдир қалбим ерингга,
Ўсмирлик чоғимдан дўстман шеърингга.
Қойилдим мармарда қотган шерингга,
Ростгўй Тагорингга, жасур эрингга,
Гўзаллик бобида эзгу пирингга
Бугун таъзим қилиб ерингга келдим.

Оламга машҳурдир афсоналаринг,
Усталарнинг қурган кошоналаринг.
Кўкларга ялинди бутхоналаринг,
Дилларни овлайди тароналаринг
Кўзёши забаржад соғоналаринг —
Дўстлик созин чалиб ерингга келдим.

Саломат бўлгину бўлмагин хаста.
Бизнинг элда дерлар дўстга шу гезда:
«Гул бўлу булбул бўл, бўлма қафасда!»
Намастэ Ҳиндистон, салом, намастэ,
Қўлинг сиқмоқ бўлиб ерингга келдим.
Деҳли—Калькутта—Тошкент,
1961 йил, март.

РАБИНДРАНАТ ТАГОР ХОТИРАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти ҳамда Тил ва адабиёт институти Тошкент университетининг Шарқ факультети билан биргаликда 5 майда улуғ ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагор туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган бирлашган илмий сессия ўтказдилар.

Сессияни Академиянинг вице-президенти И. М. Мўминов очди. Тагорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида шоир Ғафур Ғулом доклад қилди.

Сўнгра филология фанлари кандидати В. С. Москалев «Тагор Совет Иттифоқи ҳақида», старший ўқитувчи О. С. Фоминова «Тагор — драматург», филология фанлари кандидати С. Ганиева «Тагор ижодида хотин-қизлар образи», У. М. Орипов «Тагор — маърифатчи» ва И. Хошимов «Тагор асарлари Ўзбекистонда» деган темаларда доклад қилдилар.

* * *

Шу йил 6 майда Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик театрида Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи, республика маданият министрлиги ва совет-ҳинд маданий алоқалари жамияти Ўзбекистон бўлими биргаликда буюк ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагор туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган юбилей кечаси ўтказди.

Кечада шоира Зулфия Рабиндранат Тагорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида доклад қилди.

Кеча охирида юбилей қатнашчиларига «Ганг дарёсининг қизи» спектакли кўрсатилди.

Рабиндранат ТАГОР.

ТОЛЕИ ПАСТЛИК

ҲИКОЯ

Улар бир-бирлари билан жуда маҳкам боғланган бўлиб, гўё бириси чироқ ёғи бўлса, иккинчиси пилик эди, бириси суяк бўлса, иккинчиси илик эди.

Нобогопалнинг ўғли Нолин билан Нонигопалнинг ўғли Нондо бир уруғдан бўлиб, бир йилда туғилган, бир мактабга қатнар, бир-бирларига нисбатан ғаразгўйликка ва рақибликка йўл қўймас эдилар.

Нолиннинг отаси Нобогопал жуда қаттиқ одам эди. У ўғлини ўқишдан ташқари, ҳатто нафас олишга ҳам қўймас, ўғли эса ҳеч нарсани билмас эди Унинг бирдан-бир ўйин-кулгиси, маза қиладиган иши ва тўй-ҳашамларда кийиниб ясанадигани — уюм-уюм китоб-дафтарлари эди, холос.

Нондонинг отаси Нонигопалнинг эса феъли-атвори бутунлай бошқача бўлиб, жудаям раҳмдил киши эди. Нондо мактабга худди олифталардек кийиниб борарди. Онаси ҳар куни уни ёнига у-буга сарфлаш учун бир неча анна пул солиб юборарди.

Нолин ўзини унинг олдида мағлубиятга учраганини тушунар эди. Бироқ нима қилсин? У фақат, қани энди менинг отам Нондонинг отаси бўлиб қолса, Нондонинг отаси эса менинг отам бўлиб қолса, деб орзу қилишдан нарига ўта олмасди. Ана шундагина у Нондонинг ҳолига маймунлар йиғлаганига тамоша қилган бўларди.

Бироқ бундай қулай имконият ҳеч юз бермасди. Нондо бўлса бу пайтлар ҳар йили мактабдан мукофотлар оларди. Нолин эса мактабдан икки қўлини бурнига тиқиб, қуруқ қайтар ва мактаб маъмуриятини Нондо билан қандайдир жуда яқиндан алоқаси бор, деб айблар эди.

Нолиннинг отаси уни бу ердан олиб, бошқа мактабга берди ва илгаригисидан бир соат кам ухлаб, бир соат кўп дарс тайёрлашга мажбур этди. Бироқ ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Нондо имтиҳонларни муваффақият билан топшириб борди ва, ниҳоят, бакалавра даражасини олди. Нолин бўлса қафасга тушган қушдек, ҳамон бошланғич синфда ўтириб қолди.

Бу ўртада отаси унга раҳмдиллик кўрсатиб, шафқат юзасидан ўлиб кетди.

Бунгача Нолин бошланғич синфда уч йил ўтириб қолган эди. Энди бўлса, дунёнинг бутун ташвишларидан қутулди ва бор кучини ўзининг узуклари, тугмалари ва соатининг занжири ялтироқлари билан Нондодан ўзиб кетиш учун сарфлади. Қўш от қўшилган ва қисматида имтиҳонлардан йиқилиб юриш насиб этган кишига қарашли енгил фойтун, энди, бакалавра илмий даражасини олишга муяссар бўлган кишига қарашли якка от қўшилган фойтунни осонгина йўлда қолдириб кетадиган бўлди. Лекин бунинг ҳисобига илмий даража эгаси ҳаётда кўп соҳада қўш от қўшилган фойтун эгасидан устун турарди.

Ана, худди ана шундай пайтда, десангиз, Нондо билан Нолин ўзларига лойиқ қайлиқ излаб қолишди-ю!

Нолин, жаҳонда тенги йўқ қизни топганим бўлсин, деб ўзига аҳд қилди. Шундан кейин унинг қўш отли фойтунигина эмас, ҳатто хотини ҳам Нондоникидан ортиқ бўлади.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

ҚОҒОЗСИЗ, МАСОФАСИЗ ГАЗЕТА

Радио ва телевидение юксалишда

Ўзбекистон ССР алоқа министри ўртоқ М. А. ШАРКОВ билан суҳбат

Биз радио эшиттиришнинг тараққиёти тўғрисида гапирганимизда В. И. Ленининг радио «қоғозсиз ва масофасиз газета» деган сўзларини яна бир бор тилга оламиз. Радио эшиттиришнинг мамлакатимиз аҳолисининг ғоявий ва маданий савиясини оширишдаги роли бениҳоя каттадир. Бизда радиони деярли ҳамма меҳнаткашлар тинглайди деса бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон кишилик жамиятини радиоприёмник ва теливизорсиз, радио алоқа аппаратларисиз тасаввур қилиш қийин.

1961 йилнинг биринчи кварталя республикамиз, шу жумладан Тошкент область алоқа ходимлари учун ҳам қувончли ойлар бўлди. Бу вақт ичида радио точкалар ўрнатиш, радиоузеллар қуриш ва алоқа ишларини яхшилаш соҳасида яхши кўрсаткичларга эришилди. Ҳозир областда 185 радиоузел ишлаб турибди. Хўжаликлар қарамоғидаги энергобазлар сони 60 тадан ортиб кетди. 120 га яқин радио трансляцион точкалар ишлаб турганлиги ҳам қувончли бир ҳолдир.

Область шаҳар ва қишлоқлари тобора радиолашиб бормоқда. Кўпгина районлар борки, улардаги барча хўжаликлар радио билан тўла таъминланган. Чунончи, Янгийўл, Сирдарё районлари ва Чирчиқ шаҳридаги ҳамма хонадонлар радиолаштирилган.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб қолган радио кундалик ҳаётимизга жуда-жуда сингиб кетди. Эндиликда телевизион эшиттиришларни минглаб тамошабинлар завқ билан чўрмоқдалар. Ҳозир областнинг 95 процент майдонида яшаётган аҳоли Ўзбекистон телевизион студияси эшиттиришларини бемалол тамоша қилмоқда. Алоқа ходимлари Мирзачўлдаги аҳоли яшайдиган янги пунктларни радиолаштириш борасида ҳам самарали иш қилдилар. Бу ерда 32 минг радиоприёмник точкалари ишга туширилганлиги фикримизнинг далилидир.

Етти йилликда алоқа ишлари янада равнақ топади. Келгуси икки йил ичида Тошкент области тўла радиолаштирилади.

Бу ўринда шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, областда трансляцион точкалар ўрнатиш ва радиоузеллар қуриш ишлари кўнтилагидек эмас. Айрим колхоз ва совхозларда радиоузеллар техника талаби асосида ўрнатилмаганлиги учун уларнинг аппатуралари тез-тез ишдан чиқиб қолмоқда. Шунингдек, алоқа иншоотлари қуришда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Республикамиз алоқа ходимлари КПСС XXII съезди шарафига оширилган мажбурият олиб ишламоқдалар. Улар бу съездни радио эшиттириш тармоқларини яна кенгайтириш ва шулар билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар бўйича белгиланган вазифаларни тўла бажариш билан қутиб олишга қарор қилдилар.

«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ»

Дилрабо қўшиқдан, ором-бахш куйдан, қалб торларини чертувчи шеърдан ёхуд лирик кайфиятлар оғушига тортувчи ҳикоядан ким завқланмайди, замондошларимиз сиймосини гавдаланган очерклар кимга ёқмайди дейсиз! Айниқса,



Диктор Т. Юнусхўжаева микрофон олдида.

Бадиий ўқиш ҳам санъат. У диктордан катта маҳорат, чуқур билимга эга бўлишни талаб қилади. Бунинг учун эса ўқиш, ўрганиш керак. «Ўқийман, албатта олий маълумот оламан» деб аҳд қилиб қўйди Туйғуной радиода диктор бўлиб муваффақиятли равишда ишлаётган бўлса ҳам. Тошкент Давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугатди. Ҳозир Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Туйғуной опани ким танимайди дейсиз?! Унинг хушовозини радио тингловчилар дарров танишади.

Ҳури Сафарова, Инобат Юсупова, Маъсудахон Файзуллаева, Баҳри Соатқулова, Клара Халилова, Раъно Ашрапова сингари ёш дикторлар унинг шогирдларидир.

Радио комитетга Туйғуной адресига радио тингловчилардан моҳир диктор маҳоратига таҳсин айтилган кўпгина мактублар келиб туради. Туйғуной опа почтаси билан танишар эканмиз, эътиборимизни мана бу хат ўзига тортди.

«Оиламизда қувончли воқеа юз берди, — деб ёзишарди андижонлик ёш оила аъзолари Абдутуроб ва Санобарлар. — Фарзанд кўрдик. Агар ижозат этсангиз, исмини Туйғуной қўйсак. Истардикки, қизчамиз ҳам Сиз каби эл ҳурматига сазовор бўлса».

— Бу хат 1956 йилда келган эди, — дейди Туйғуной опа.— Қувонч билан рози бўлдим. Санобарлар кейинги хатларида суратимни сўрашибди. Қизим Шаҳноза, ўғлим Зафар билан биргаликда тушган суратимизни юбордим. Яқинда кичик Туйғуной нинг суратини олдик.

Бугун радио куни муносабати билан Туйғуной ва унинг сафдошлари номига яна қанчақанча табриклар, яхши истаклар келади. Байрамингиз қутлуғ бўлсин. Туйғуной опа!

Г. НУРУЛЛАЕВА.

МУЛОҲАЗА ВА ИСТАКЛАР

Ҳар ким ҳам телевизор орқали берилаётган эшиттиришларни қизиқиб тамоша қилади. Айниқса, яхши эшиттиришдан сўнг ҳузур қиласан, киши. Ўзбекистон телевизион студияси республикамиз хотин-қизларига бағишлаб алоҳида телевизион журнал кўрсата бошлади. Бу, албатта, хотин-қизларимизни қувонтирди. Чунки, уларда пахтакор хотин-қизларнинг фидокорона ишлари ҳам, станокни моҳирлик билан бошқараётган ишчан қизларнинг ютуқлари ҳам намойиш қилинади.

Лекин, негадир журнал саҳифаларида ўзбек олималарининг фаолиятларини ҳикоя қилувчи материалларга камданкам ўрин берилаяпти. Ваҳоланки, фан соҳасида ишлаётган илм аҳлларининг кўпгина ишлари мактовга лойиқдир. Ота-оналар учун бола тарбиясига оид фойдали маслаҳатларни ҳам шу журналларда бериб борилса, айни мудао бўлар эди.

М. АЛАВИЯ,
филология фанлари кандидати.

* * *

Радио халқимиз турмушига ниҳоятда сингиб кетди. У бизга ҳар соҳада, ҳар ишда ёрдам бермоқда. Лекин, фикримизча, унинг ишини янада яхшилаш имкониятлари чексиздир.

Ҳозирги кунда етти йиллик топшириқларни бажариш учун кураш чинакамига умумхалқ ҳаракатига айланди. Ана шу етти йиллик қаҳрамонлари, уларнинг иши, ҳаёти, турмуши тўғрисида қизиқарли очерклар, шунингдек бевосита корхоналарнинг ўзидан сермазмун репортажлар бериб туришни янада кўпайтириш керак. Шунингдек, биз фақат республикамиздаги эмас, балки Иттифоқимиздаги ва чет эллардаги техника янгиликларини ўз вақтида тинглаб туришни истар эдик.

Р. НАЗИРБЕКОВ,
Ўзбекистон трактор-йиғув заводи ўзиюрар шассилар цехининг мастери.

ЭШИТТИРИШЛАР САВИЯСИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

Улуғ рус олими Александр Степанович Попов томонидан радионинг ихтиро қилинганига бугун 66 йил тўлди. Бу йил Радио куни совет халқи фан ва техника тараққиётида янги давр очган бир пайтда нишонланмоқда. Совет олимлари, инженерлари, конструкторлари космосни эгаллашда жаҳонда биринчи бўлиб катта ғалабага эришдилар. Инсонни фалакка парвоз қилдирдилар.

1895 йил 7 майда А. С. Попов бир неча метр масофада радио сигналлар эшиттиришни амалга оширди. Бу ўша вақтда жуда катта воқеа бўлди. Эндиликда совет радио мутахассислари улуғ рус олимининг ишини давом эттириб, радио эшиттириш масофаларини юз минглаб километрга етказдилар ва радио алоқани неча ўн миллион километрга етказиш вазифасини ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Бу ғоят катта масалани ҳал қилишда Венера планетаси томон космик ракетанинг учирилганлиги муҳим қадам бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда радиотехника ва радио эшиттиришларни ривожлантириш Коммунистик партия ва Совет давлати билан, Владимир Ильич Ленининг номи билан маҳкам боғлангандир. Улуғ Октябрь революциясининг дастлабки кунлариданоқ В. И. Ленин радио алоқа агитация ва пропагандаининг қудратли қуроли эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди.

Октябрь революциясидан кейин партия ва ҳукуматимизнинг катта ғамхўрликлари туфайли мамлакатимизда радиотехника, радио эшиттиришлар кенг ривож топди. Радио совет кишиларининг энг яқин ва энг севимли дўсти ва суҳбатдоши бўлиб қолди. У оркали совет халқининг коммунистик қурилиш соҳасида эришаётган ғоят улкан ғалабалари бутун жаҳонга маълум қилинмоқда. Совет радиосининг ҳаққоний сўзлари халқимизни коммунизм қурилиши йўлида янада каттароқ ғалабаларни қўлга киритишга сафарбар этмоқда ва илҳомлантирмоқда.

Республикамизда радио эшиттиришлар йил сайин яхшиланиб бораяпти, унинг овозини неча миллионлаб кишилар тингламоқда. Ҳозир Ўзбекистонда 1256 радиоузел, 870 минг радиоточка, 394 минг приёмник, 109 минг телевизор ишлаб турибди. Республика бўйича маҳаллий эшиттиришлар ҳажми бир суткада 34 соатни ташкил этади. Шу билан бир вақтда Москва радиосининг эшиттиришлари ҳам олиб борилади.

Ўзбекистон радиоси партиямиз томонидан қўйилган хўжалик ва маданий қурилишнинг муҳим масалаларини пропаганда қилишда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Коммунистик қурилишнинг партиямиз томонидан белгилаб берилган назарий ва амалий масалалари юзасидан фан арбоблари, партия ва совет ходимларининг суҳбат ва мақолалари бериб борилаётир. Бу мақола ва суҳбатларда республикамиз н и н г экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга доир қатор масалалар кўтарилади. «СССР экономикасида Ўзбекистоннинг роли», «Республикада пахтачиликни ривожлантириш ҳақида», «Ўзбекистонда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ички резервлари» каби темаларда берилган кўпгина эшиттиришлар шулар жумласидандир. «Съезддан-съездгача» рубрикаси остида берилаётган радиорепортажлар, очерклар, композициялар, лавҳалар, инсценировкаларда кейинги йилларда республикамиз халқ хўжалигида юз берган ажойиб юксалишлар, совет кишиларн фаровонлигининг ошиб бориши ҳикоя қилинмоқда. «Январь Пленуми қарорларини шараф билан бажарамиз», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг ички резервлари», «Деҳқончилик илғорлари ҳикоя қиладилар», «Тажрибакорлар минбари» каби циклларда берилаётган эшиттиришларда қишлоқ хўжалик илғорлари микрофон орқали сўзлаб, социалистик қишлоқ хўжалиги барча тармоқларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида қимматли фикрлар баён қиладилар.

Радио эшиттиришларда санъат ва адабиёт масалаларига катта ўрин берилган. Замонамиз қаҳрамонлари, етти йиллик илғорлари ҳақида ёзувчиларимиз, шоирларимиз, журналистларимиз ўзларининг бадиий асарлари билан актив иштирок этмоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳали эшиттиришларнинг сифатини яхшилаш ва формасини хилма-хил қилишда жиддий нуқсонлар борлигини эътироф қилмасдан ўтолмаймиз. Эшиттиришларда ҳаётни юзаки акс эттирадиган бир хил қолип ва формадаги материаллар учраб туради. Баъзан радио орқали берилаётган мақола ва суҳбатлар республика ҳаёти билан бевосита боғланмайди. Айрим материаллар жанговар ва таъсирчан характерга эга эмас. Ишлаб чиқариш новаторлари, етти йиллик илғорлари ҳақида мазмундор эшиттиришлар кам ташкил этилаётир.

Ўзбекистон радиоси ходимлари ишдаги бундай нуқсон ва камчиликларни тезда бартараф этиш, КПСС XXII съезди шарафига бошланган умумхалқ курашини тўла акс эттириш учун бутун ижодий куч ва талантларини сафарбар этишлари керак. Ўзбекистон радиоси ходимласи ва биз, радио журналистлар ғолиб коммунистик ғояларни, илғор тажрибаларни, фан ва техника ютуқларини совет халқининг маънавий бойлиги ва бутун фазилатларини омма ўртасида кенг ёйишнинг актив пропагандистлари бўлиш учун бутун ижодий кучимизни сарфлаймиз.

Б. ЗИЯЕВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшиттириш ва телевидение комитетининг радиоэш и т т и ришлар директори.

ҲУНАРНИ ИШГА СОЛИБ

Фатхулла телевизор включателини аста буради. Лекин кузатилган мақсад бўлмади. Ҳар қанча уринса ҳам телевизор экранида тасвир кўринмасди.

Ҳамма ҳайрон.

— Экранда тасвир, албатта, акс этиши керак,— деди тўғарак раҳбари Леонид Михайлович қатъий.— Демак, асосий ишкал телевизор ички аппаратларидан бирида экан.

Фатхулла телевизорнинг ялангоч механизми схемасини бир-бир синчиклаб кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида. Лампалар ҳам чўғдай ёниб турибди.

— Энди тестерни ишга солсак бўлмайдими?— деди ёш техниклардан бири.

— Тўғри, шундай қилиш керак,— деди тўғарак раҳбари.

Тестернинг механизм қисмларига уланиши билан унинг стрелкаси бирдан қўзғалиб қимирлай бошлади.

— Ана кўрдингизми, нуқсон қаерда экан,— Леонид Михайлович диодларга ишора қилди. — Бордию, диодлар ишламай қолса, ток галдаги қисмларга ўтмай қолади. Шунинг учун ҳам экранда тасвир кўринмади.

Бирдан чеҳраларда қувонч порлади. Ҳамма телевизорнинг тузалганидан хурсанд эди.

— Ёш техниклар бундан олдин ҳам 3 — 4 та телевизорни тузатиб беришгачди, — деди тўғарак раҳбари ўртоқ Л. Барановский.—Ҳа, ҳаваскор демасангиз, ёш техникларнинг қўлидан кўп иш келади. Сергей Чернов, Саша Старенник, Фатхулла Абдуллаев, Баҳодир Тошхўжаевларнинг радио репродуктор, телефон трубкаси уёқда турсин, ҳатто «Москвич», «Рекорд» радиоприёмникларини ҳам тузатишга қўли бориб қолди. Бурноғи йили ёш техниклар мустақил равишда телевизор ҳам ясашган. Ёш техникларнинг республика кўригида ана шу телевизор юқори баҳо олди. Радио куни муносабати билан улар радио комбайн ясашга киришдилар. Катта бир қутичада ҳам телевизор, ҳам усилитель, ҳам магнитофон, ҳам приёмник бўлади. Ёш техниклар яқин кунлар ичида радиоузел тайёрлаб, Тошкент областидаги қишлоқ мактабларидан бирига совға қилишмоқчи. Езга чиқиб эса республика ёш туристлар станцияси лагерини радиолаштиришади.

Ҳақиқатан ҳам республика ёш техниклар станцияси радио ҳаваскорлари тўғараги аъзоларининг шу кунларда қилаётган ишларини кўриб кишининг ҳаваси келади. Бўлажак моҳир радио усталарига тажрибали мутахассис Л. М. Барановский раҳбарлик қилмоқда. Бугун байрам қилинаётган радио кунида ёш техниклар ўз ишларини яна бир бор намойиш қилишади.

А. АЛИЕВ.

БАҒДОДЛИК ПИЛЛАЧИЛАР ИЗИДАН

Пилла ҳосилини тез ва сифатли териб давлатга топширайлик!

Областимизда давлатга пилла топшириш бошланди

ҚУНДУЗ ОПА 104 КИЛОГРАММ ПИЛЛА ТОПШИРДИ

СИРДАРЁ. Максим Горький номли колхознинг аъзоси ўртоқ Қундуз Мирзаева қуртларни жадал усулда боқиб, тез кунда пилла ўрашини таъминлади. Ҳозиргача у давлатга 104 килограмм пилла топширди.

МАРРА — 100 КИЛОГРАММ

ЯНГИЙЎЛ. Ленин номли колхоз пиллачилари яхши натижаларга эришмоқдалар. Колхознинг донгдор пиллачиси ўртоқ Замира Холмирзаева ярим кути қурт уруғидан 100 килограмм пилла топширишга аҳд қилган эди. Ўртоқ Холмирзаева ўз сўзининг устидан чиқиш мақсадида пилла қурти боқишни намунали йўлга қўйди. Кеча у пунктга дастлабки 65 килограмм пиллани топширди.

ДАСТЛАБКИ ҲОСИЛ

ОРЖОНИКИДЗЕ. Райондаги Хрущев номли колхоз аъзолари ҳам дастлабки пилла ҳосилини давлатга топшира бошладилар. Пилла ҳосили топширишни биринчи бўлиб илғор пиллачи ўртоқ Мамлакат Тўраева бошлаб берди. Колхоз аъзолари она-Ватанга 15 тонна пилла етказиб берамиз, деган аҳдларининг уддасидан чиқиш учун қизғин кураш бошлаб юбордилар.

Отахонларнинг юзи ёруғ бўлади

Эрта баҳор эди. Қурт боқиш ҳақидаги хушхабар бутун хонадонларга тарқалди. Бу хабар бошқалар қатори пенсионер Абдуқодир ота Юнусов ва Маҳамат ота Сулаймоновларнинг ҳам ғайратларини қўзғаб юборди. Улар шу кунданоқ ипак қурти боқишга аҳд қилиб, совхоз идораси томон йўл олишди. Идорада отахонларни совхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Д. Пардаев қарши олди.

— Хизмат, отахонлар?

— Биз ҳам қурт боқмоқчимиз, шуни айтгани келдик сизга. Бекор юраверишдан кўра одамни қийнаб қўяйлик. Икки-уч ҳафталик меҳнат экан, ҳиссамизни қўшсак ёмон бўлмас...

Отахонларнинг илтимоси партком секретари Деҳқон акага маъқул тушди. — Яшанглар, отахонлар, сизлардан жуда миннатдормиз.

Шундай қилиб, уларга қурт уруғи берилди. Минутлар соатларга уланди, кунлар саналди, хуллас, ғалвирни суядан кўтарадиган вақт етиб келди. Мана, кечагина кўзга аранг-аранг кўринган уруғлар ўрнини ипак қурти эгаллади. Бу ўзўзидан бўлмади, албатта. Ҳа, отахонларнинг озмунча меҳнати сингмади. Улар кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан меҳнат қилдилар, ҳар бир ипак қуртини кўз қорачиғидай асрашни ўзларининг шарафли бурчлари деб билдилар. Ҳар бир ипак қуртининг соғлом ўсиши учун қаттиқ кураш олиб борилди. Уларга вақти-вақтида барг ташлаб турилди, қуртхоналарнинг иссиқлик даражаси таъминланди.

Мана, отахонлар бугун қуртхонадан хурсанд бўлиб чиқишди. Нега ҳам қувонишмасин! Қуртлар басмабасига ипак ўрай бошлабди.

— Ҳар қутисидан қанчадан пилла олмоқчисизлар? сўрадик отахонлардан.

— Олтмишни мўлжаллаган эдик. Қуртларимизнинг авжи яхши. Юзимиз ёруғ бўладиганга ўхшайди. Кеча мундоқ чамалаб кўрсак, олдинги мажбуриятимизни ўзгартирадиганга ўхшаймиз. Ҳар қутисидан етмишни чамалаяпмиз.

Ҳа, отахонларнинг сўзлари билан ишлари бир. Оржоникидзе райондаги «XXI партсъезд» совхозининг 4-бўлимида хизмат қилаётган бу отахонлар ўз сўзларининг устидан чиқадилар. Қуртларнинг бир текисда ипак ўрашга киришганлиги, мавсумда бирорта ҳам ипак қуртининг нобуд бўлмаганлиги шундан далолат беради.

Бу бўлимдаги бошқа пиллачилик звеноларида ҳам ипак қурти боқиш намунали уюштирилди. Натижада кўпгина пиллачилик звеноларида қуртлар ўтган йилга нисбатан барвақт ипак ўрашга киришди.

С. МУҲИДДИНОВ.

Зоотехник эди, чўчқабоқар бўлди

Қиш кунларининг бири эди. Серсенбой шошганича правление идорасига кириб келди. Идорада раис, ферма мудири ва бошқа бир қанча кишилар нималар ҳақидадир маслаҳатлашиб ўтиришар эди. Раис Эшон ака Шамсиев зоотехник йигитга бир қараб олгач:

— Хўш, келинг, Серсенбой. Аҳволлар жойидами? — деб сўради.

— Жойида, Эшон ака. Сизга бир илтимос билан кирган эдим.

— Қани, эшитайлиқчи?

— Ўзингизга маълумки, колхозимизда чўчқачилик жуда оқсоқ аҳволда. Мен ана шуни обдон ўйлаб кўрдимда, республикамизга донғи кетган Жўра ака Султоновдек чўчқабоқар бўлишга аҳд қилдим.

Раис зоотехник йигитнинг бу сўзларидан бир оз таажжубланди шекилли, ферма мудирига қараб: «Абил ака сиз нима дейсиз бунга?» деб сўради. Кейин бир оздан сўнг:

«Ёшларнинг истагини рад этиб бўлармиди, майли қани ўзини бир синаб кўрсин-чи» деди ва йигитнинг қўлидаги аризани олиб қўл қўйиб берди.

Бу воқеанинг эртаси куни колхозда «зоотехник Серсенбой Дўсенов чўчқабоқар бўлибди» деган дув-дув гап тарқалди. Баъзилар «нима қилар эди бошини қотириб, зоотехниклигини қилиб, тинчгина юраверса бўлмасмиди» десалар, баъзилар «Серсенбой жуда қобилиятли йигит, орзусини албатта рўёбга чиқаради» дейишарди.

Бу воқеалар бундан 4 ой илгари рўй берган эди. Серсенбой янги касбидан ниҳоятда хурсанд.

Серсенбой чўчқачилик фермасига ишга келганида 10 та она чўчқа бор эди. У биринчи кунларданоқ ишга ғайрат билан киришди. Она чўчқаларни алоҳида меҳр билан парвариш қилди. Бунинг оқибати ёмон бўлмади. Шу кунларга келиб Серсенбой фермадаги чўчқаларнинг умумий сонини 113 бошга етказди. Ҳар бир она чўчқадан 16 тага етказиб бола олди.

Колхоз правлениеси 300 бош чўчқа сиғадиган янги чўчқахона қурилишини бошлаб юбориб, Серсенбойни яна ҳам хурсанд қилди. Колхозда бу йил давлатга топшириладиган гўштнинг 60 проценти чўчқа гўшти ҳисобига бўлади. Ҳозир у 20 та чўчқани бўрдоқига боқаётир. Бу чўчқаларнинг тирик вазни ҳозирнинг ўзидаёқ 70-80 килограммдан ошиб кетди. Серсенбой етти йилликнинг учинчи йилида боқимидаги чўчқаларнинг умумий сонини 500 бошга етказиш учун курашаётир.

Биз унга ўз орзусини рўёбга чиқариш ишида катта муваффақиятларга эришишини тилаймиз.

Т. ИМОМОВ,
М. ЮСУПОВ.
Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАН

Редакцияга келган хатларнинг бирида Фрунзе районидаги 23-ҳаммом раҳбарларининг эътиборсизлиги натижасида ҳаммомда санитария талабларининг бузилиши, 21 душ хонадан 8 таси ишдан чиқиб қолгани, кийим ечадиган кабиналар арзимаган қулф йўқ деган баҳона билан ишлатилмаётгани тўғрисида ёзилган эди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети меҳмонхона ва ҳаммомлар трестининг бошқарувчиси Т. Расулевнинг редакцияга юборган жавобида айтилишича хат юзасидан текшириш ўтказилганда кўрсатилган фактлар тўғри бўлиб чиққан.

Бу камчиликларни бартараф қилиш учун алоҳида санитария куни ажратилган. Ҳаммомнинг ички ва территорияси тозаланган. Иситиш хўжалиги тартибга солинган. Кабиналар учун қулфлар сотиб олинган. Ишдан чиқиб қолган душлар ремонт қилинган.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ„
3-БЕТ, 7 МАЙ, 1961 ЙИЛ.

КАТТА САНЪАТ ДАРГОҲИ

Ҳа, чиндан ҳам катта санъат даргоҳи! Бу ерда не-не талантлар — ҳуш овоз хонанда, завқли созанда ва эҳтиросли бастакорлар камол топмади. . .

Мана бу суратдаги икки ёш санъаткор ҳам ана шу даргоҳдаги оиланинг аъзолари. Балким танирсиз. Чапдаги Шокиржон Эргашев. У яқиндагина бадиий ҳаваскор — Марғилон шаҳар халқ театрининг қатнашчиси эди. Унинг санъатга бўлган меҳр ва ихлоси, ёқимли овози Ўзбекистон радиосидаги тажрибали санъаткорларнинг эътиборидан четда қолмади. Шокиржонни оркестрга солист қилиб қабул қилишди. Ёш ҳаваскор учун бу нақадар катта ишонч!

Ана шу ишончни оқлаш учун Шокиржон астойдил меҳнат қилмоқда, устозларидан қўшиқ орқали тингловчи юрагига йўл топишни ўрганмоқда, ўз репертуарини янги номерлар билан бойитиш устида ишлаётир. Эргашев ижросидаги «Севганингни билардим», «Айлансин қулинг», «Келибдур» каби ва бошқа ашулалар ҳозирданоқ кўпчиликка манзур бўлиб қолди.

Дуторчи Зокиржон Обидовнинг ғоят ёқимли куйлари эса киши қалбининг нозик торларини чертади. «Гилос», «Истак» куйларини Обидов чалганда роҳат қилиб тинглайсиз. Моҳирона чертилаётган тор созидан завқланиб: «қўлинг дард кўрмасин» дейсиз.

Оркестр сафида бундай ёшлар анчагина. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон ССР халқ артисти, атоқли бастакор Юнус Ражабий бошчилик қилаётган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри коллективи ёшларни тарбиялаш, уларни халқимизга манзур бўладиган санъаткор бўлиб етишиши учун яқиндан амалий ёрдам бермоқда.

Ўзбек радиосининг фахри бўлган бу катта ижодий коллективни Радио куни байрами билан қизғин табриклаб, уларга катта муваффақиятлар тилаймиз!

Н. НАСИМОВ.



Суратда: солист Шокиржон Эргашев Зокиржон Обидов жўрлигида қўшиқ ижро этмоқда.
А. Абалян фотолари.

ҚИШЛОҚ ЛЕКТОРИЙСИ

Партия ва ҳукуматимиз қарорларини омма орасида кенг тарқатиш мақсадида Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилоти ташаббуси билан қишлоқ лекторийси ташкил этилди. Лекторийнинг 15 кишидан иборат лекторлар группаси қисқа муддат ичида колхозчилар орасида 40 дан ортиқ доклад ва лекциялар ўқиди.

Қишлоқ касалхонасининг бош врачи Х. Мирсоатованинг «Совет фани — инсон саломатлиги йўлида», «Қизамиқ ва унинг олдини олиш», 31-саккиз йиллик мактаб директори Н. Абдуллаеванинг «Мактаб ва оила», колхоз комсомол ташкилоти секретари Т. Ражабовнинг «Партиямиз январь Пленуми қарорлари амалда» деган темаларда ўқиган лекциялари тингловчиларда зўр қизиқиш уйғотди.

Ж. ШАРОПОВ.



Сув бўйида... И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоэтюди.

КАТТА ИШОНЧ

Куни кеча Ҳиндистондан ўзбек олими Т. Зоҳидов номига хат келди. Унда, жумладан бундай дейилади: «Ҳурматли академик Теша Зоҳидович Зоҳидов! Академиямизнинг президиуми номидан Сизни халқаро зоология академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланганлигингиз муносабати билан чин юракдан қизғин табриклайман. Бундан кейинги илмий фаолиятингизда, биология фанининг равнақи йўлидаги ишингизда катта муваффақият тилайман.

Ҳурмат билан: Халқаро зоология академиясининг президенти Б. С. Махендра».

Яхши гапга қаноат йўқ деганларидек, бу хушхабар Ўзбекистон олимларига тезда тарқалди. «Сизнинг халқаро зоология академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланганлигингиз билан фахрланамиз. Ижодий ишингизда янги муваффақиятлар тилаймиз». Илм аҳллари Ўзбек олими — халқаро зоология академиясининг ҳақиқий аъзоси олимни ана шундай илиқ ва самимий сўзлар билан қизғин қутламоқдалар.

Чиндан ҳам Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, биология фанлари доктори, профессор Т. Зоҳидов республикамиздагина эмас, балки бутун мамлакатимизда, қолаверса чет эллардаги айрим мамлакат илм аҳллари орасида илмий ишлари, монография ва китоблари билан танилган атоқли олимдир. У кўп йиллардан бери биология фани соҳасида самарали илмий-тадқиқотлар олиб бормоқда. Олимнинг сахролар ҳайвонат дунёси ҳақидаги илмий ишлари чет элларда ҳам қайта-қайта нашр этилди.

Ўртоқ Зоҳидов ҳозирги кунда «Зоология энциклопедияси» номли тўрт томлик китоб устида ишламоқда. Уларнинг дастлабки икки томи нашр қилиниб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди.

Саҳро ва чўлларни ўзлаштириш бўйича ишлаб чиқилаётган темалар ҳам жаҳон олимларини қизиқтириб келади. Чунки, шу соҳа билан боғлиқ бўлган проблемалар ҳозиргача илмий жиҳатдан тўла асосланган эмас.

Олимнинг бу илмий тадқиқотларини эътиборга олиб, халқаро зоология академиясининг президиуми ўртоқ Зоҳидовни шу академиянинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайлади.

— Бу, менинг учун катта ишончдир, — дейди олим. — Ана шу ишончни оқлаш учун бундан буён ҳам самарали иш олиб бораман. Халқаро илмий конгрессларда қатнашиб, республикамиз олимларининг фан соҳасида қўлга киритаётган ютуқларини намойиш қиламан.

А. АКБАРОВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАМОША ЖОЛАРИДА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да эрталаб **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Маскарад**, 9/V да **Сўна**. Билетлар сотилмоқда.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да **Гамлет**, 9/V да **Ҳуррият**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да **Раис уйланармиш**, 8, 9/V да **Катта концертлар**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Яна тонг отди — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Хайр, каптарлар — «МИР», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да).

Келгуси баҳоргача — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 гача «ИСКРА» (кеч 11 да).

Қизил снёх—«ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Киши суратини мен чизганман— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Доктор Айболит — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да), «СПУТНИК» (эрталаб 10 ва кундуз 12 да).

Роман ва Франческа — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 дан).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Довулдан кучли — «ВАТАН» (кеч соат 8 ярим ва 10 да), КАФАНОВ номли (кеч 8-45 ва 10-20 минутда).

Келгуси баҳоргача — НАВОИЙ номли (кеч соат 9 ва 10 яримда), ПУШКИН номли (кеч 8-40 ва 10-20 минутда).

Яна тонг отди — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда).

Очилган қўриқ (учинчи серия)— СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда).

Бола йўқолди — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда).

Граф Монте-Кристо (1 ва 2-серия) — «УДАРНИК» (кеч соат 8-45 минутда).

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 7 майда ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ БИРИНЧИ спартакиадасининг ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Программада: спартакиадада қатнашувчи спортчилар ва Тошкент вакилларининг паради, «Ёш куч», «СКА», Физкультура институти спортчиларининг оммавий гимнастика ўйинлари, енгил атлетикадан спартакиада программаси бўйича финал мусобақалар, акробатлар чиқиши, мотоцикл ва велосипед пойгаси, отда тўсиқлардан ўтиш, «Химик» (Чирчиқ)—«СКА» (Тошкент) командалари ўртасида футбол.

Кеч соат 6 да бошланади. Таклиф билетлари билан киритилади.

Ўзбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи совети.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА
Янги кинофильмлар чиқаради:

Евдокия

Сценарий автори — **Вера Панова.**
Постановкачи — **Татьяна Лиознова.**
Операторлар — **П. Катаев, Ж. Мартов.**
Ролларда:
Людмила Хитяева, Николай Лебедев, В. Зубков, Н. Зашчипина ва бошқалар қатнашади.
Фильмни М. Горький номли киностудия ишлаган

Аср тенгдоши

Сценарий авторлари — **Ю. Дунский, В. Фрид.**
Постановкачи режиссёр — **С. Самсонов.**
Оператор — **М. Дятлов.**
Ролларда:
Н. Лебедев, В. Соловьёв, Г. Юдин, Ю. Саранцев, М. Володина, Л. Шагалова ва бошқалар қатнашади.
Фильмни «Мосфильм» киностудияси 1960 йилда ишлаган.

Чиғатой дарвоза кўча, 237-уйда турувчи **Ироқ Обидовнинг** Қоратош кўча, Ставрополь проезд, 3-уйда турувчи Ҳамида Асқаровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Сағбон кўча, 2-тупик, 96-уйда турувчи **Мурод Шомуҳитдинов**нинг Чиғатой кўча, 16-тупик, 25-уйда турувчи Раъно Шомуҳитдиновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Оржоникидзе район, Киров қишлоқ советидаги «Маданият» колхозида турувчи **Эркин Мансуров**нинг Куйбишев қишлоқ советидаги Навоий номли колхознинг Янгийўл участкасида турувчи Тожи Мансуровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

ДОНГДОР СОҲИБКОРНИНГ ЮБИЛЕЙИ

ОРЖОНИКИДЗЕ, 6 май. (ЎзТАГ). Кеча Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозга республиканинг кўпгина қишлоқ хўжалик новаторлари ва мутахассислари тўпландилар. Улар мамлакатнинг донгдор соҳибкори, Сталин мукофоти лауреати Ризамат Мусамуҳамедов туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашдилар.

Юбилей кечасини Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министри Н. М. Маннонов очди. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг директори М. Мирзаев машҳур соҳибкорнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида доклад қилди. У Ризамат Мусамуҳамедовнинг ватан фани ва практикасига қўшган жуда катта ҳиссаси тўғрисида гапириб берди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р Рашидов юбилярни Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика Олий Совети Президиуми номидан самимий табриклади. Тошкент область ижроия комитетининг раиси Х. Эргашев, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Нормуҳамедов, республика совхозлар бош бошқармасининг бошлиғи Ж. Хоназаров, Ўзбекистон ССР Соцнал таъминот министри В. Содиқовалар ҳам узумдан мўл ҳосил етиштириш устасини қутладилар.

Донгдор соҳибкорга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Юбиляр номига мамлакатнинг ҳамма республикаларидан келган табрик хатлари ва телеграммалари ўқиб эшиттирилди.

Юбилей тантанасида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси О. А. Алимов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габриельянц ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари қатнашдилар.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ БИЛАН

1960—1961 ўқув йилида Калинин районидаги 1-болалар уйи республикамизда биринчи бўлиб мактаб-интернатга айлантирилди. Шу муносабат билан Тошкент темир йўл бошқармаси янги ташкил қилинган мактаб-интернатга оталик ёрдами кўрсатиб, 2 та ётоқхона корпуси қуриб беришни ўз устига олган эди. Бу корпуснинг битгаси ўтган йил охирида ишга туширилган эди. Иккинчиси эса яқиндагина фойдаланишга топширилди.

Мактаб-интернатда тарбияланаётган ўғил-қизлар Тошкент темир йўл бошқармасининг оталик ёрдами билан фан асосларини эгаллаш ва меҳнатсевар бўлиб тарбия топиш учун энди ликда қулай шароитларга эга бўлиб қолдилар.

Мактаб-интернатда хоналар кўпайгач, 10 дан ортиқ янги тўгарак ташкил қилинди. Бу ерда тарбияланаётган 200 дан ортиқ ёш авлод тўгарак машғулотларида актив қатнашиб, ўзлари севган ҳунарларни эгалламоқда.

Б. ПУЛАТОВ.

СИРДАРЁ РАЙОНИДА

ЯНГИ МЕДИЦИНА МУАССАСАЛАРИ

Район санитария-даволаш бирлашмаси қишлоқ меҳнаткашларига медицина хизматини янада яхшилаш мақсадида Тарас Шевченко ва Охунбобоев номли колхозларда 25—35 кишига мўлжалланган янги касалхоналар қуриб, фойдаланишга топширди. Шунингдек, Охунбобоев номли колхозда янги дорихона ҳам очилди.

БИР КОЛХОЗНИНГ ПЕНСИОНЕРЛАРИ

Карл Маркс номли колхоз аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўшим Аҳилбековни ҳамма ҳурмат қилади. Чунки, у чорак асрдан буён шу колхозда бригада бошлиғи вазифасида ҳормай-толмай ишлаб келди. Яқинда Қўшим ота пенсияга чиқди. Шу билан ҳозир колхозда 31 пенсионер бор. Қариялар кексайганларида иззат-ҳурмат қилаётган ўз колхозининг жамоат ишларида актив қатнашаётирлар.

БЎЛАЖАК ТУРСУНОЙЧИЛАР

Районда Турсуной Охунова издошлари сафи тобора кенгаймоқда. Бу йил «ХВС-1,2» машинасида пахта териш учун механик-ҳайдовчи касбини эгаллаш мақсадида 20 қиз Мирзачўлдаги механизация мактабига ўқишга кетди. Яхши ишга жасорат қилганлар орасида «Биринчи Май» колхозининг илғор теримчиси Шарофат Жалолова, Охунбобоев номли колхозининг моҳир сут соғувчиси Шаҳрихон Абдуллаева, Тарас Шевченко номли колхоз аъзоси, район Советининг депутати Ўлмас Умарова ва бошқа ғайратли аёллар бор.

А. МУҲАМЕДОВ.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

МОСКВАДАН БЕРИЛГАН БИРИНЧИ МАЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ПРОГРАММАСИНИ 11 МИЛЛИОН ИНГЛИЗ ТАМОША ҚИЛДИ

ЛОНДОН, 5 май. (ТАСС). Британия радио эшиттириш корпорациясининг хабар беришича, Қизил майдондаги Биринчи май парадининг бориши тўғрисида Москвадан 1 Май эрталаб берилган эшиттиришларни 2.850.000 инглиз телетамошабинлари эшитган ва кўрган. Корпорациянинг ҳисобларига қараганда, 1 Май кечқурун Москвадан иккинчи марта берилган программани 9 миллиондан кўпроқ инглиз тамоша қилган, булардан қарийб 1 миллион киши эрталабки эшиттиришни кўрган эди. Шундай қилиб, Москвада 1 Майнинг байрам қилинишини кўрган Англиядаги телетамошабинларнинг умумий сони қарийб 11 миллион кишини ташкил этади.

РАУЛЬ РОАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ГАВАНА, 5 май. (ТАСС). Куба пойтахтининг меҳнаткашлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясидан қайтиб келган Куба ташқи ишлар министри Рауль Роани самимий кутиб олдилар. Рауль Роа табрикларга жавоб қайтариб, дунёдаги кўп мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган Куба Бош Ассамблеяниг яқиндагина тамом бўлган сессиясида дипломатия соҳасида катта ғалаба қозонди, деб таъкидлади. Шу билан бирга, Роа Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Кеннедига юборган мактублари жуда катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Роа бундай деди: «Бош министр Никита Хрушчевнинг президент Кеннедига юборган тарихий мактуби дунёдаги барча мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очади. Бундан ташқари, ана шу мактуб кам тараққий этган барча халқларнинг империализм ва мустамлакачиликнинг ваҳшиёна кучларига қарши олиб бораётган курашида ғалаба қозонишларининг гаровидир».

ЛАОСДАГИ МУЗОКАРАЛАРГА ДОИР

ВАН-ВИЕНГ (Лаос), 5 май. (ТАСС). Лаос король ҳукумати ва Нео Лао Хак Сат қуроллн кучлари ҳарбий делегациялари ўт очишни тўхтатиш ва яраш ҳақида музокаралар олиб бормоқ учун бугун эрталаб бу ерга келдилар. Кунниг иккинчи ярмида Ван-Виенгдан жануб томон тахминан 40 километр нари жойлашган Намон деган жойда Саваннакет группаси делегацияси билан учрашув ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Музокараларда король ҳукумати делегациясига бригада генерали Хион, Нео Лао Хак Сат қуролли кучлари делегациясига — бригада генерали Фунсипасат, Саваннакет группаси делегациясига — бригада генерали Синг бошчилик қилмоқдалар.

ЭРОН ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 май. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернэшнл агентлиги мухбирининг Теҳрондан хабар беришича, бугун Эрон шоҳи бош министр Шариф Имомининг истеъфосини қабул қилган. Бош министрнинг истеъфо беришига иш ҳақининг оширилишини талаб қилаётган ўқитувчиларнинг ҳукуматга қарши намойишлари сабаб бўлган. Шоҳ бош министр вазифасига Эроннинг Вашингтондаги собиқ элчиси доктор Али Амин тайинлаган.

АҚШДА ИЧИГА ОДАМ ТУШГАН РАКЕТА УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 май. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, бугун Москва вақти билан соат 17-34 минутда АҚШ да Канаверал бурунидан (Флорида штати) ичига одам тушган «Редстоун» ракетаси баллистик траектория бўйича учирилган.

Ракета учирилгандан кейин бир неча минут ўтганда учувчи Алан Шепард капсуладаги ҳамма системалар нормал ишлаганлигини хабар қилган.

Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармасининг хабар беришича, ракета учирилгандан кейин 15 минут ўтганда учувчи Алан Шепард тушган капсула ракетадан ажралиб, Канаверал бурунидан 302 миля нарида Атлантик океанга йиқилиб тушган.

Ракета учирилгандан кейин 16 минут ўтгач қарбий-ҳаво кучларига қарашли вертолет учувчини капсуладан чиқариб олиб, Америкаиинг «Лейк Тэмплейн» авианосеци бортига келтирган. Шу авианосецнинг ўзи капсулани ҳам топиб олган. Ракета 115 миля баландликка эришган ва соатига 5.500 миля тезлик билан учган. Бошқарма, учиш пайтида учувчининг аҳволи «қониқарли» бўлди, деб хабар қилди.

Бугун ракетага тушиб, баллистик траектория бўйича парвоз қилган учувчи Алан Шепард «Меркурий» лойиҳаси бўйича космосга учиш учун тайёргарликдан ўтган уч астронавтдан биридир. Шепард — АҚШ қарбий-денгиз кучларининг учинчи ранг капитани бўлиб, ёши 37 да. У уйланган, икки боласи бор. Иккинчи жаҳон урушн вақтида Шепард Тинч океандаги эсминецда хизмат қилган эди.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ СОВҒАСИ ГАНА ПРЕЗИДЕНТИГА ТОПШИРИЛДИ

АККРА, 5 май. (ТАСС). СССР нинг Ганадаги элчиси М. Д. Ситенко бугун Аккра аэродромида совет вертолети «М-4» ни президент Кваме Нкрумага топширди. Бу вертолет ўтган йили Гана республика деб эълон қилинганлиги муносабати билан Совет ҳукумати томонидан Гана давлати бошлиғига совға қилинган эди.

Вертолетни топшириш маросимида президент Нкрумадан ташқари Гана ҳукуматининг министрлари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Президент ана шу қимматли совға учун Совет ҳукуматига самимий ташаккурини топширишни совет элчисидан илтимос қилди.

Вертолет кўздан кечирилганидан кейин президент Кваме Нкрума совет элчиси М. Д. Ситенко билан биргаликда вертолетга тушиб, Аккра ва унинг атрофи устида 20 минут саёҳат қилди. Вертолет ерга қўнгандан кейин президент Нкрума бу учишдан мамнун бўлганлигини айтди ва совет вертолетига юксак баҳо берди.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

7 МАЙДА

12.00. Физкультура билан шуғулланинг.

12.25. Инглиз тилидан ўзбек тилида 19-машғулот.

13.00. «Янги Гулливер» — бадиий фильм.

18.30 Болалар учун кинофильм.

18.50. Телевизион янгиликлар.

19.10. СССР халқларининг куйлари.

19.50. Киножурнал ва «Икки Фёдор» деган киноповесть.

21.25. Буюк ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагор туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган адабий эшиттириш (ўзбек тилида).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТОЛЕИ ПАСТЛИК

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Танлаб-танлаб тозисига учрагандек, тенгсиз ёрни истаган киши шунчаки дурустларидан ҳам қуруқ қолади. Ҳудди шунга ўхшаб Нолин ҳам вилоятда қанчақанча дилбар қизларни учратди-ю, аммо, балки бундан ҳам яхшироқ қайлиқ топилиб қолиб, бошқа бировга буюрмасин тағин, деб қўрқиб, бирорта қизни демади.

Ниҳоят, у, Равалпиндда яшовчи бир бенгалнинг ғоятда гўзал бир қизи бор эмиш, деб эшитиб қолди. Оққан сувнинг қадри йўқ, дегандек, узоқдаги ёр ҳамма вақт яқиндагисига кўра гўзал кўринади.

Нолин бундан бағоят хурсанд бўлиб, қизни Калкуттага чақиртиришга муваффақ бўлди. Қиз ҳақиқатан ҳам жуда барно эди.

— Нима деса, деяверсинлар, лекин шундай бир барно қизни тезда Равалпиндан чақиртириб олиб келиш — ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳар ҳолда, қани энди бирорта киши мен бу қизни фалон жойда кўргайман, менга унча ёқмаган, шу учун унга уйланмаганман, деб айтиб кўрсин-чи!

Тўй масаласи, бундай қараганда, ҳал бўлган эди, энди, никоҳ тайёргарлиги борарди. Бир кун эрталаб, бирдан Нондонинг отаси Нонигопалнинг ҳовлисида югур-югур бошланиб қолди. Малайлар патнусларга турли-туман нозиневматлар ясаб югуришиб қолишди. Нолин яқинроқ келиб:

— Қаранглар-чи, нималар бўляпти экан? — деб сўради. Билишса, қўшни ҳовлидагилар никоҳ тайёргарлигини кўришаётган эканлар.

Нолин шу заҳотиёқ чекиб турган чилимини ташлаб, қулоғини диккайтирди.

— Боринглар, нималар бўлётганини яхшилаб билиб келинглар, — деди у.

Билиб келгани Бипин Ҳажрани чақиришди: Ҳажра қайтиб келиб, шундай деди:

— Калкутталик қиз экан, жуда яхши қиз...

Бу хабарга жавобан Нолин ҳаяжон ичида фақат:

— Лаббай, нима дедингиз? — дея олди холос. Бипин:

— Жуда яхши қиз экан! — деб сўзини энди қайтариши билан Нолин:

— Яхшилаб суриштириб кўриш керак, — деди ниҳоят.

— Бу унча дейдиган қийин иш ҳам эмас, — деди унинг ҳалиги яқин кишиси ва гўё ҳаммасининг отаси пул дегандек қилиб, бармоқларини бир ғалати қилиб маъноднор ишқалаб қўйди.

Нолин қизни кўришга муваффақ бўлди.

Афтидан, у Нондога никоҳ қилиниб қўйилгани учунми, ҳар қалай Нолиннинг кўзига Равалпиндан келган қиздан кўра чиройлироқ бўлиб кўринди. Сўнг у бир оз ўйланиб туриб:

— Сизча қалай, дурустми? — деб сўради Бипин Ҳажралан.

— Жуда ажойиб қиз.

— Қайси бири ўткир, бунисими ёки Равалпиндан келган қизми?

— Калкутталик қиз ўткир.

Нолиннинг кўзларига калкутталик қизнинг киприклари қуюқ ва ўсиқ. Ўзи нозик ва оқбадан, худди ҳуснидан нур ёғилиб тургандек бўлиб кўринди. Йўқ, асло бу қизни қўлдан чиқариб бўлмайди.

Ниҳоят, Нолиннинг асаблари бузулиб, устма-уст чилим торта бошлади ва охири ундан:

— Хўш, қани гапиринг-чи, Ҳажра, бу ёғи нима бўлади энди? — деб сўради.

— Шунга ҳам ташвишми, ҳурматли жаноб — деди Ҳажра ва яна ҳалигидай бармоқларини бир ғалати қилиб маъноднор ишқалаб қўйди.

Кўрибсизки, ҳақиқатан ҳам пуллар жаранглаб ишга тушгандан кейин, ишнинг натижаси тезда ўзини кўрсатди-қўйди. Калкуттталик қизнинг отаси арзимайдирган бир нарсадан қийтиқ топиб, Нондонинг отаси билан жанжал бошлади. Нондонинг отаси ҳам:

— Қани энди ўғлим сизнинг қизингизга уйланиб кўрсинчи! — деб қолди.

Қизнинг отаси бўлса, худди шуни кутиб турган эмасми, ёниб турган ўт устига яна ёғ қуя бошлади:

— Агар мен ҳам қизимни сизнинг ўғлингизга берадиган бўлсам, отамдан туғилганим бекор бўлсин... — ва ҳоказо ва ҳоказо кетди шу билан.

Нолин фурсатни қўлдан бой бериб ўтирмади. Тўй узлуксиз давом этаверди. Ниҳоят, Нолин, агар шундай деб айтиш мумкин бўлса, Нондога панд беришга муваффақ бўлди ва Ҳажрага:

— Ана энди илмий даражасини бемалол эгаллайверсин. Лекин бу сафар ҳурматли бабумизнинг толеи пастлик қилди, — деди.

Аммо орадан бир мунча вақт ўтгач, Нондонинг отаси Нонигопалнинг ҳовлисидан яна дўмбира овозлари ва янгроқ най товушлари эшитила бошлади. Анъанавий расм-русмлар давом этди.

— Қани, қара-чи. Ҳажра, у ёқда нима бўляпти экан? — деб буюрди Нолин. — Қарагин-чи, қанақа қайлиқ экан?

— Ўша Равалпиндан келган қиз келиб тушибди, — деди Ҳажра бир оздан сўнг қайтиб келиб.

— Равалпиндан келган қиз дейсанми? Хо-хо-хооо!

Нолин қотиб-қотиб кулди. Сабаби, катта бабу ўзига мос дуруст-роқ бир қиз топа олмасдан, рад этилган қизни қайлиқ қилиб олган эди.

Нолин кулгисини тўхтатмади. Лекин секин аста бориб унинг хохолаши ҳолсизлана бошлади. Юрагида шубҳа туғилди.

Бу сирли ваҳима нозик товуш билан унинг қулоғига: «Сен уни қўлдан чиқариб юбординг, у энди Нондога насиб бўлди» — деб ширвилай бошлади. Дастлаб қитдай кўринган бу шубҳа бора-бора шу қадар зўрайиб кетдики, оқибатда ҳақиқий даҳшатга айланди ва бор овози билан:

— Кечикдинг, энди қўлингга қайтиб киритолмайсан, лекин у гўзал эди. Наҳот шунча алдандинг! — деб бақира бошлади.

Дастурхон устида унинг кўзига қайлиғининг энг кичкина, кўримсиз, игнадек камчиликларигача туядек бўлиб кўринаверди. Хотини, унга, боплаб алдагандек бўлиб кўринадиган бўлди.

Нолин ёнидан қизни унаштириш учун Равалпинддга борганларида қўлга киритган расмини олди.

— Ў, қандай тенги йўқ барно қиз. Ҳатто ҳар қандай тентак ҳам гўзаллик тангриси бўлмиш шундай Лакшмини қўлга киритишга киритиб, сўнг чиқариб юбормайди...

Ҳаммаёқ юлдуздек чироқлар билан безатилиб ёритилган тўй оқшомида, янгроқ музикалар садоси остида, отга миниб куёв келди. Нолин тўшак қилиб ётиб олган, ўз-ўзини беҳуда овутмоқ истар ва устма-уст чилим тортар эди.

Юзу-кўзидан кулги ёғилиб, Ҳажра кириб келди ва Нондолар томонини кўрсатиб, кулмоққа тушди. Нолин ғазаб билан:

— Дарвозабон! — деб қичқирди.

Боши қотган Ҳажра дарвозабонни чақирди.

Дарвозабон киргач, Нолин унга Ҳажрани кўрсатиб:

— Қулоғидан судраб олиб чиқиб ташла бу аблаҳни! — деб бақирди.

Русчадан **Саидаҳмад ХУДОЙБЕРГАНОВ** таржимаси.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
4-БЕТ, 7 МАЙ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯМИЗНИНГ АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Секретарнат 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00859. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1591.